Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 35 (10.284).

1992 йил 19 февраль чоршанба

Баҳоси 60 тийин.

Вилоят ижтимоий–сиёсий рўзномаси

Ж. БЕЙКЕР ЎЗБЕКИСТОНДА

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистонда икки кун меҳмон бўлиб турган АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер 16 февраль куни кечқурун Москвага жўнаб кетишидан аввал Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов билан биргаликда Тошкент аэропортида журналистлар билан учрашди.

— Менинг ташрифим сермаҳсул бўлди, деб ҳисоблайман, — деди Ж. Бейкер журналистларга. — Президент билан, жамоатчилик намояндалари билан фойдали ва самарали учрашувлар бўлиб ўтди. Самарқандга қилган сафаримиз жуда мароқли ўтди, кўпгина тарихий жойларни кўздан кечирдик. Тошкентда бўлгани каби Самарқандда ҳам кўпгина кишилар бизнинг Ўзбекистонга қилган ташрифимизга астойдил қизиқиш билдирдилар, бу ташрифни мутлақо ҳақли равишда тинчлик, эркинлик ва холис ният сафари деб, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш воситаси деб атадилар. Бу сафар мамлакатларимиз ўртасидаги, Ўзбекистон билан Қўшма Штатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашига шубҳа қилмайман.

Бу ерда мен ҳукумат вакиллари билан, сиёсий арбоблар ва бошқа кишилар билан сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларга алоқадор масалалар юзасидан бемалол гурунглашиб, суҳбатлаша олдим, деди у. Ўзбекистон ҳақидаги ахборотни ўзгалар орқали эмас, балки айни шу ернинг ўзидан олиш биз учун жуда муҳим эди. Биз Вашингтонда собиқ Совет Иттифоқи ўрнида вужудга келган янги мустақил давлатлар билан муносабатларимизга асос қилиб олиниши лозим бўлган қоидаларни рўй-рост айтган эдик. Учрашувимиз чоғида Ўзбекистон Президенти аслида айни шу қоидаларни тасдиқлади, унинг халқаро ҳамжамият, инсон ҳуқуқлари, чегараларга риоя этиш хусусидаги мажбуриятлар ҳақида берган баёнотини, шунингдек демократияни ривожлантириш ва эркин бозорга ўтиш хусусидаги ниятларини эшитиб хурсанд бўлдим.

Давлат котиби республика билан танишганидан кейин АҚШ билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш истиқболлари қандай бўлиши ҳақидаги саволга жавобан у Ўзбекистонни тан олиш ва давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги масалани узил-кесил ҳал этиш Қўшма Штатлар Президентининг ихтиёрида, деб айтди. Давлат котиби 19 ёки 20 февралда юртига қайтиб борганидан кейин Президент билан учрашиб, Ўрта Осиё республикаларига қилган сафари ҳақида маълумот беражагини айтди.

Бизнинг жуда омадимиз келди, деб таъкидлади Ж. Бейкер. Бизнинг ихтиёримизда республика билан танишиш учун қўшимча вақт бор эди. Энди мен Ўрта Осиё минтақасида Ўзбекистоннинг жуда муҳим аҳамиятини яхшироқ тушунаман.

Ж. Бейкерга собиқ СССРнинг армияси хусусида ҳозир вужудга келган вазиятга АҚШда қандай назар билан қаралаяпти, деган савол берилди. Американинг муносабати шундан иборатки, деди давлат котиби, оддий қурол-яроғларга тааллуқли масалаларни Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг ўзи ҳал қилиши керак. Айни вақтда ядро қуроллари ҳақидаги қарорларга ва қурол-яроғлар юзасидан илгари эришилган барча халқаро битимларга янги ҳамдўстликнинг ҳамма мамлакатлари сўзсиз риоя қилишларидан умидвормиз. Ядро қуролларига келганда Американинг муносабати ҳаммага маълум: биз жамики ядро аслаҳахонаси устидан ягона қўмондонлик бўлишини мақсадга мувофиқ бирдан бир йўл деб ҳисоблаймиз. МДҲда худди шундай бўлишига жуда умид қиламиз. Ядро қуролига эга бўлмаган давлатлар эса ҳаммалари ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага қўшилишлари, оммавий қирғин қуроли ишлаб чиқарилмаслиги, дунёда уни яратиш технологияси ва воситалари тарқатилмаслиги учун бошқа мамлакатлар билан биргаликда ҳаракат қилишлари мақбулдир. Шу тариқа ядровий хавфсизлик ҳамдўстликнинг барча мамлакатлари томонидан таъминланган бўлур эди.

Журналистлар Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга бир қанча саволлар беришди. Жумладан, АҚШ давлат котибининг республикага сафари якунларига қандай баҳо берасиз, деб сўралди. Икки кун давомида бўлиб ўтган учрашувлар ва суҳбатларга Президент юксак баҳо бериб, иккала томон ҳамма жойда тинчлик ва осойишталикка эришишдан ўзаро манфаатдор эканликларини, икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга, амалий ишда ҳақиқий ҳамкорликка интилишларини изҳор этганликларини таъкидлаб ўтди.

И. А. Каримов АҚШ билан Ўзбекистон ўртасида алоқа ўрнатилгач республика ва унинг халқи турмушида янги солнома бошланишини таъкидлади. Америка Қўшма Штатларининг раҳбарларидан бири бўлган ҳурматли меҳмонга ўзининг икки кунлик сафари давомида серқуёш ўлкамиз билан тўлароқ танишиш имконияти берилди. Тошкентдан ташқари Ж. Бейкер Самарқандга бориб келди. Республика раҳбарлари, шунингдек «Бирлик» халқ ҳаракатининг ва «Эрк» демократик партиясининг раҳбарлари билан учрашди, улар ўртасида ошкора суҳбатлар бўлди.

Менинг хулосам шундан иборатки, деб таъкидлади Президент, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга ҳеч нарса тўсқинлик қилмайди, буюк Америка давлати билан алоқа ўрнатиш учун кенг йўлни очиб қўйдик.

Аммо биз бу масалага зўр жиддийлик билан ёндашмоғимиз керак. Зиммамизга олган мажбуриятларни, жумладан, ошкоралик, ҳар бир кишининг эркинлигини таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида, ядро қуроли тўғрисида ва Қуролли Кучлар хусусидаги мажбуриятларни қатъият билан бажаришимиз зарур. Ўзбекистон БМТнинг аъзоси бўлиб қолиши учун ўзининг холис ниятини намойиш этибгина қолмай, уни турмушга фаол татбиқ этиши ҳам лозим.

«Останкино» телекомпанияси ахборот телевизион агентлигининг мухбири Ўзбекистон билан Америка ўртасидаги ҳамкорликнинг қайси соҳаларини устивор соҳалар деб ҳисоблайсиз, деган саволни Ж. Бейкерга берди.

— Аввало, иқтисодиёт соҳасидаги масалалар устивордир, — деб жавоб қайтарди давлат котиби. — Билишимча, ҳозирнинг ўзидаёқ уч ёки тўртта қўшма лойиҳа муҳокама қилинмоқда, Американинг ҳусусий фирмалари билан Ўзбекистон ўртасида қўшма корхоналар барпо этиш юзасидан иш олиб борилмоқда.

Журналистлар Ж. Бейкернинг ўз Президенти — Буш жаноблари билан ўзаро муносабатлари қандайлиги билан қизиқиб, сизлар ҳамиша ҳам тўла ҳамжиҳатликда ишлайсизларми, деб сўрадилар.

— Мен унинг сайловолди кампаниясига раҳбарлик қилганман, — деди давлат котиби. — Шунга қарамай, биз кўпинча бир-биримизнинг фикримизга қўшилмай қолар эдик. Эҳтимол, баъзан бир-биримизга нисбатан ишлатадиган ибораларимизда дипломатияга унчалик риоя қилмасмиз. Аммо бу биргаликдаги ишимизда амалий ўзаро муносабатларга халақит бермайди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА махсус мухбири.

ТЕҲРОНДАГИ КЕНГАШ ТУГАДИ

ПАРИЖ, 17 февраль. (РАТА—ТАСС). Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг Теҳронда ўтаётган кенгаши бугун ўз ишини тугаллади. Кенгаш қатнашчилари сиёсий ва иқтисодий соҳаларда халқаро майдонда рўй бераётган ўзгаришлар муносабати билан Ўрта шарқ минтақасида мустаҳкам тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш зарурлигини айтдилар. Давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқлари иштирокида ўтган икки кунлик учрашув якунлари юзасидан хулоса баённома қабул этилди. Унда мана шу маҳаллий ташкилотда қатнашувчи мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтиришга даъват этилди, деб хабар қилади Франс-Пресс агентлиги Эрон пойтахтидан.

Эрон, Туркия ва Покистон билан бир қаторда Озарбайжон, Туркманистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон биринчи бор шу ташкилотнинг тўла ҳуқуқли аъзолари бўлиб қолдилар. Қозоғистон кузатувчи мақомини олди.

ҲОКИМЛАР ТАЙИНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонунининг 1- ва 2-бандларига мувофиқ:

Ўртоқ **Шуҳрат Ибрагимович КАРИМОВ** Янгийўл шаҳар ҳокими этиб тайинлансин.

Тошкент вилоят ҳокими
С. САЙДАЛИЕВ.
1992 йил 18 февраль,
Тошкент шаҳри.

Халқ депутатлари Янгийўл шаҳар Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Тошкент вилоят ҳокимининг тавсиясига мувофиқ сессия Ш. И. Каримовни Янгийўл шаҳар ҳокими этиб тасдиқлади. Ш. И. Каримов 1952 йилда туғилган, ўзбек, олий маълумотли, халқ депутатлари Янгийўл шаҳар Кенгашининг раиси бўлиб ишлаган.

Сессияда Тошкент вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев нутқ сўзлади.

* * *

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонунининг 1- ва 2-бандларига мувофиқ:

Ўртоқ **Юрий Николаевич БЕЛАНОВ** Олмалиқ шаҳар ҳокими этиб тайинлансин.

Тошкент вилоят ҳокими
С. САЙДАЛИЕВ.
1992 йил 17 февраль,
Тошкент шаҳри.

Халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Тошкент вилоят ҳокимининг тавсиясига мувофиқ сессия Ю. Н. Белановни Олмалиқ шаҳар ҳокими этиб тасдиқлади. Ю. Н. Беланов 1945 йилда туғилган, украин, олий маълумотли, халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар Кенгашининг раиси бўлиб ишлаган.

Сессияда Тошкент вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев нутқ сўзлади.

Сессия ишида Тошкент вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Л. П. Тернових иштирок этди.

* * *

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонунининг 1- ва 2-бандларига мувофиқ:

Ўртоқ **Шуҳрат Ибрагимович КАРИМОВ** Янгийўл шаҳар ҳокими этиб тайинлансин.

Тошкент вилоят ҳокими
С. САЙДАЛИЕВ.
1992 йил 18 февраль,
Тошкент шаҳри.

Халқ депутатлари Янгийўл шаҳар Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Тошкент вилоят ҳокимининг тавсиясига мувофиқ сессия Ш. И. Каримовни Янгийўл шаҳар ҳокими этиб тасдиқлади. Ш. И. Каримов 1952 йилда туғилган, ўзбек, олий маълумотли, халқ депутатлари Янгийўл шаҳар Кенгашининг раиси бўлиб ишлаган.

Сессияда Тошкент вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев нутқ сўзлади.

* * *

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонунининг 1-ва 2-бандларига мувофиқ:

Ўртоқ **Маҳаммадали РАСУЛОВ** Бекобод район ҳокими этиб тайинлансин.

Тошкент вилоят ҳокими
С. САЙДАЛИЕВ.
1992 йил 18 февраль,
Тошкент шаҳри.

Халқ депутатлари Бекобод район Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Тошкент вилоят ҳокимининг тавсиясига мувофиқ сессия М. Расуловни Бекобод район ҳокими этиб тасдиқлади. М. Расулов 1952 йилда туғилган, ўзбек, олий маълумотли, халқ депутатлари Бекобод район Кенгашининг раиси бўлиб ишлаган.

Сессияда Тошкент вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев нутқ сўзлади.

* * *

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонунининг 1-ва 2-бандларига мувофиқ:

Ўртоқ **Акромжон Солижонович ИБОБЕКОВ** Бекобод шаҳар ҳокими этиб тайинлансин.

Тошкент вилоят ҳокими
С. САЙДАЛИЕВ.
1992 йил 18 февраль,
Тошкент шаҳри.

Халқ депутатлари Бекобод шаҳар Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Тошкент вилоят ҳокимининг тавсиясига мувофиқ сессия А. С. Ибобековни Бекобод шаҳар ҳокими этиб тасдиқлади. А. С. Ибобеков 1941 йилда туғилган, ўзбек, олий маълумотли, халқ депутатлари Бекобод шаҳар Кенгашининг раиси бўлиб ишлаган.

Сессияда Тошкент вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев нутқ сўзлади.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИДА

«НАВРЎЗ»—УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ

Умумхалқ байрами —Наврўзни ташкилий жиҳатдан янгича, давримиз руҳига ҳамоҳанг тарзда ўтказишни ҳаёт тақозо этмоқда, Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят Кенгаши бу заруратни инобатга олиб, вилоятдаги барча ижтимоий-сиёсий ташкилотлар билан ҳамкорликда бу қутлуғ кунни мустақиллик рамзи, дўстлик, биродарлик, меҳнат, муҳаббат ва садоқат тимсоли сифатида ўтказишни лозим топди.

Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг куни кеча бўлиб ўтган ижроия бюросида вилоят кенгаши Наврўз байрамини ўтказиш бўйича ташаббус гуруҳи тузилиб, унинг таркибига вилоятдаги бошқа ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг раҳбарлари, вилоят партия кенгашининг фаоллари киритилди.

Унда Ўзбекистон ХДП Янгийўл шаҳар кенгашининг Наврўз байрами арафасида халқ ҳашари ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси маъқулланди. Ўзбекистон ХДП район, шаҳар кенгашларига янгийўлликларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва жойларда миллий-маънавий қадриятларни қайта тиклаш ва ривожлантириш борасидаги ишларга кенг йўл очилишида партия ташкилотлари олдидаги вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, унда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг Тошкент вилоятида Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тавсиялари маъқулланди: Вилоятимизда истиқомат қилувчи барча фуқароларга Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг мурожаати қабул қилинди.

Ўзбекистон Марказий банки вилоят бўлимида Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши, вилоят фахрийлар кенгаши, вилоят касаба уюшмаси, вилоят ёшлар уюшмаси томонидан ночор оилалар, қаровга муҳтож кишиларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида махсус «Наврўз» ҳайрия-эҳсон ҳисоби очилди. Унинг **тартиб рақами 000700329, Ўзбекистон Республикасининг акционер-тижорат агросаноат банки, Тошкент шаҳри (АК АПБ) коди — 172682 403.**

Шу кунга қадар махсус ҳисобга Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Тошкент вилоят кенгашидан, Бекобод шаҳридаги цемент заводидан, давлат муассасалари ходимлари касаба уюшмаси вилоят комитетидан, «Тумор» ҳанда тижорат марказидан ва бошқа кўплаб ташкилотлардан маблағлар ўтказилди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ БАРЧА ФУҚАРОЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ

МУРОЖААТИ

Йил фаслларининг ўз ҳислати бўлгани каби ҳар бир халқнинг ҳам ўз фазилати, ўз миллий қиёфаси мавжуд. Наврўз азалдан халқимизнинг ноёб қадриятларини, миллий урф-одатларини ўзида мужассам этиб келган чинакам халқ байрамидир. Хусусан, бу йилги Наврўз шодиёнасининг ўзига хос тароватли, шукуҳи бор. Халқимиз бу қутлуғ кунни ўзининг қонуний мустақиллигига эришганидан сўнг биринчи марта нишонлайди.

Наврўз — янги йил кирган кун. У хонадонларимизга янги-янги қувонч ва умидлар бағишлайди. У бизга ўзлигимизни намойиш қилиш имконини берадиган қутлуғ кун. Шу боис уни дўстлик, биродарлик, меҳнат, муҳаббат, саодат тимсоли сифатида нишонлаб келамиз.

Мустақиллик юкидан оғирроқ юк йўқ, деб башорат қилган экан бобомиз Алишер Навоий. Жумҳуриятимиз мустақилликка эришган айни дамларда ҳалқимиз миқсоллаб тўплаган умуминсоний қадриятлар, миллий анъаналарнимизни қайта тиклаш, уларни замонамиз руҳига монанд тарзда ривожлантириш бизга мустаҳкам таянч бўла олади.

Ўзбекистон ХДП Янгийўл шаҳар кенгаши Наврўз байрами олдидан халқ ҳашарларини ўтказиш ташаббуси билан чиқдики, бу ҳозирги даврда айни муддаодир. Жойларда булоқдек қайнаб турган бундай ташаббусларнинг кенг қулоч ёзишига имконият яратиб бериш лозим. Токи халқимиз ўзининг қадимги санъати ва миллий анъаналари, маҳоратини тўлиқ намоён эта олсин. Истеъдодлар гул ғунча мисол очилсин, камол топсин.

Биз сизларни Наврўз байрамини ўтказиш олдидан пухта тайёргарлик кўришга даъват этамиз, унга ҳозирлик даврида уй-жой, ҳовлиларни таъмирлаш, обод қилиш, саранжом-саришталаш, кўча-кўйлар, майдонлар, ҳиёбонларнинг озодалигини сақлаш, боғ-роғлар ва оромгоҳларда ишлаб, дов-дарахтларга оройиш бериш, янги боғларга асос солиш, ниҳоллар ўтказиш халқимизнинг азалий удумлари бўлиб келганки, бу ишларни астойдил бирлашиб давом эттиришга даъват этамиз. Унга ҳозирлик даврида уй-жой, ҳовлиларни таъмирлаш, обод қилиш, саранжом-саришталаш, кўча-кўйлар, майдонлар, ҳиёбонларнинг озодалигини сақлаш, боғ-роғлар ва оромгоҳларда ишлаб, дов-дарахтларга оройиш бериш, янги боғларга асос солиш, ниҳоллар ўтказиш халқимизнинг азалий удумлари бўлиб келганки, бу ишларни астойдил бирлашиб давом эттиришга даъват этамиз.

Наврўз нишонланаётган кунлари халқ сайллари ўтказиб, турли лаззатли таомлар тайёрлайдиган, ошпаз, новвойларнинг маҳоратини намойиш қиладиган мусобақалар ташкил этайлик, шифобахш гиёҳлардан ҳар хил таомлар ҳамда сумалак ва ҳалим тайёрлаб, Шарқ халқларига хос бўлган ширинликлар кўргазмаларини ташкил этайлик. Истироҳат боғлари ва дам олиш майдонларида оммавий ўйин-кулгилар, дорбозларнинг чиқишларини, полвонлар мусобақаларини ва бошқа кўплаб анъанавий спорт беллашувларини ўтказиш байрамнинг янада мазмунли, қизиқарли ўтишига хизмат қилади. Ҳаваскор хонанда ва раққосалар, аскиячилар ва қизиқчиларнинг, халқ бахшиларининг чиқишлари халқнинг кайфиятини кўтарсин.

Наврўз — яратувчилик, меҳнат байрами сифатида қадимдан кенг нишонланган. Шундай экан, меҳнатни шарафлаш, меҳнаткашни мадҳ этиш орқали ёшларга бу шодиёнанинг асл моҳиятини кенгроқ тушунтирайлик. Байрам кунлари «Меҳр-шафқат ва хотира куни»ни ўтказиб, марҳумларнинг руҳини шод этайлик, ҳашарлар уюштириб қабристонларни ободонлаштирайлик, қадамжо жойларни тозалайлик. Қариялар, мажруҳ ва кимсасизлар, ночор оилаларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатайлик. Ёшларнинг меҳнат фахрийлари билан учрашувларини ўтказайлик.

Ота-боболаримиз бошга оғир кунлар тушганда азалдан жипслашиб, ҳамкорликнинг мўъжизавий куч-қудратини намойиш этишган. Наврўз айёмларида одамлар ўртасидаги ихтилоф, адоватлар, гина-қудуратлар унутилиб, ўзаро самимий, яхши муносабатлар тикланган. Уларнинг бу улуғ фазилатлари бизга ибрат ва сабоқ бўлсин. Байрам кунлари халқлар, миллатлар, элатлар ва одамлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорликнинг чинакам намунасини намойиш этайлик. Бирорта миллат вакили бу байрамдан четда қолиб кетмасин.

Наврўз ўз мазмун эътибори, улуғ ниятлари билан жамиятдаги барча соғлом кучларни жипслаштиришга қодирдир. Уни ташкилий жиҳатдан пухта, қизиқарли ва таъсирчан, давримиз руҳига монанд қилиб уюшқоқлик билан ўтказайлик. Наврўз вилоятимиз меҳнат аҳлининг чинакам байрамига айлансин, унинг тантаналаридан ҳеч ким четда қолмасин. Халқимиз ўзининг қадриятлари тикланганн, асрлар давомида авайлаб-асраб келган улуғ айёми миллий байрамга айланганига шукроналар қилиб, унинг ҳаётга, яшашга, ҳамжиҳатликка бўлган иштиёқи янада ошсин.

Азиз дўстлар, юртдошлар, ҳамманигизни қадрдон Наврўз айёмига қизғин тайёргарлик кўришга даъват этамиз!

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ.

«ОЛМАОТА»ГА МАРҲАМАТ

Тошкентнинг Халқлар дўстлиги майдонида, собиқ бинокорлик материаллари дўкони биносида Қозоғистоннинг «Олмаота» деб аталган фирма дўкони очилди. У Олмаотадаги 100-универсамнинг бўлимидир.

Дўконнинг очилиш маросимида бу ерда кўплаб харидорлар тўпланди. Чинни, сополдан тайёрланган буюмлар билан савдо қилувчи бўлимларда одамлар шу заҳотиёқ навбатда тура бошладилар.

— Дўконимизда сопол буюмлардан ташқари миллий кийимларни ҳам танлаб олиш мумкин,— дейди директор Т. М. Тўхтабоева.— Қозоғистон савдо вазирлиги дўконимизни моллар билан таъминлайди. Моллар ва маҳсулотларга худди Тошкентда амал қилаётгандек нархлар белгиланади. Ўйлайманки, эҳтиёжга асосланиб, пештахталаримизни тошкентликларга керакли моллар билан тўлдирамиз. Дастлабки кунлардаги савдога қараганда, бизда харидорлар етарли бўлади. Молларимиз ҳам, хизматимиз ҳам уларга ёқиши учун ҳаракат қиламиз.

Пойтахтимиздаги Марказий универсал дўконининг «Тошкент» бўлими Қозоғистон пойтахтида очилди. Икки томонлама алоқалар амалда шундай рўёбга чиқариляпти, икки мустақил республика ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома аниқ-равшан амалга ошириляпти.

(ЎзА мухбири).





АМЕРИКА Қўшма Штатларидан Республикамизга келтирилган дўстона беғараз ёрдамдан бир тоннага яқин тиббий дорн-дармонлар Тошкентдаги 6-туғуруқхонага топширилди. Суратларда: (чапдан ўнгга) бош шифокор Е. Н. Осипова, дорихона мудираси Т. Шарова ва Америка томонининг вакили, иқтисодчи Том Миллерлар: дўстона ёрдам тушириб олинмоқда (пастдаги сурат).

Суратказ В. МИЛЕНЬКИЙ (ЎзА).

ЁШ САНЪАТКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«НАВРЎЗ» ўзбек мусиқали этнографик театри 25—30 ёшгача бўлган яккахон хонанда актрисаларни, 30—35 ёшли яккахон хонанда актёрларни, 20—22 ёшли рақосаларни шартнома асосида

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Танлов шу йилнинг 16 ва 23 март кунлари соат 10 дан 13.00 гача Ҳамза номли академик драма театри биносида ўтказилади.

Маълумотлар учун телефон: 44-19-59.

(Эълон театрга ёрдам тариқасида бепул чоп этилмоқда).

• Қибрай районида

ЎҚУВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

● Ёшларга ҳуқуқий тарбия беришда район прокуратура ходимлари фаол қатнашмоқдалар. Яқинда А. Қодирий номли 15-ўрта мактабда ҳуқуқ-тартибот масалаларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда район прокурорининг муовини А. Бобобеков ҳамда прокуратура терговчиси А. Нишонов иштирок этиб, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабабларини ҳамда унга қарши кураш чораларини ҳақида гапиришди, йиғилганларнинг саволларига жавоб беришди.

ТЕХНИКУМ МАҚОМИ ЎЗГАРДИ

● Районда жойлашган Тошкент пахтачилик техникуми илгари Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлигига қарашли эди. Энди у жумҳурият Ўрмон хўжалиги қўмитаси ихтиёрига ўтиши муносабати билан Ўрмон хўжалиги ва мелиорация техникуми деб атай бошланди.

ИККИ МАҲАЛЛА ЧАВАНДОЗЛАРИ

● Районнинг Тузель қишлоғидаги Чинор ҳамда Жарбоши маҳалла фаоллари ташаббуси билан ёш чавандозлар мусобақаси ўтказилди. От чоптириш спорт тури бўлибгина қолмай балки ўзига хос санъат ҳамдир. Эпчиллик, абжирликдан ташқари чиройли ҳатти-ҳаракатлар эса чавандоз маҳоратини намойиш этади.

Улоқ мусобақасида Байтқўрғон қишлоғида истиқомат қилувчи Тожибой Бойтуллаев, тузелликлар Жўра Норматов, Абдуҳалил Абдуразоқов, ака-ука Алиҳон ва Алихон Тўлабоевларга тенг келадигани бўлмади. Беллашувда қўшни Бўстонлиқ ва Юқори Чирчиқ районлари чавандозлари ҳам иштирок этишди.

Голибларга ҳар икки маҳалла томонидан ажратилган пул мукофоти ҳамда эсдалик совғалари берилди.

НОЧОРЛАР КУНГЛИ ОЛИНДИ

● Туркия халқи билан ўзбеклар ўртасидаги дўстлик алоқалари ўзининг дастлабки натижаларини бермоқда.

Куни кеча турк биродарлардан Қибрай Қизил ярим ой жамиятига совға келди. Маргарин мойи, хушбўй совунлар ҳамда тамаки жамият аъзолари орқали кам даромадли оилалар, қаровчиси бўлмаган қарияларга тарқатилди.

Р. УСМОНОВА.

УЗБЕКИСТОН ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҚИБРАЙ РАЙОН КЕНГАШИДА

МАҲАЛЛА МУРОЖААТНОМАСИ МАЪҚУЛЛАНДИ

Қибрайда фаол бўлган Ғафур Ғулом маҳалласи жамоаси ўзининг навбатдаги йиғилишида халқимизнинг миллий байрами — «Наврўз» айёмини муносиб кутиб олиш юзасидан ўз тадбирларини белгилади. Бу тадбирларнинг кўлами ниҳоятда кенг. Маҳаллани обод қилиш, кўчаларни, ариқларни тартибга солиш, кўча ва ариқ ёқаларига мевали дарахтлар кўчатларини ўтказиш ва бошқа эътиборга лойиқ ишлар бу тадбирда ўрин олган. Лекин энг муҳими «Наврўз» айёми арафасида мурувват кўрсатиш, етим-есир, бева-бечора, ногирон ва боқувчисиз қолган фахрийларга ҳам моддий, ҳам маънавий мадад бериш каби ишлар борки, буни қанча қўллаб-қувватласанг арзийди. Зеро, бугунги кунда биз учун энг танқис бўлиб қолаётган меҳрни, шафқатни, оқибатни, ғамхўрликни қайтариш жуда зарур бўлиб қолмоқда. Маҳалла жамоаси бу йўлда ҳаракатини бошлаганига анча бўлди. Эндиликда уни районда кенг оммалаштириш, барчани бу ҳаракатга қўшилишга даъват этмоқда.

Булардан ташқари байрам арафасида маҳалладаги энг яхши оилани танлаб олиш, энг намунали хонадонни рағбатлантириш ҳам ўзига хос анъанага айланиб бормоқда. Қайси оила ёки хонадон маҳаллада, районда энг яхши бўлишни истамайди дейсиз. Шу нуқтаи назардан бу ишнинг қиммати ҳам каттадир.

Маҳалла жамоаси халқимизнинг қадимий анъанаси бўлмиш ҳашарларни ҳам тикламоқда. Ҳашар йўли билан катта-катта ишларни амалга оширмоқда. 14 март куни ўтказилиши белгиланган навбатдаги эл-улус ҳашари алоҳида аҳамиятга эга. Шу куни маҳалла аҳлининг ёшу қариси қўлига иш қуролини олиб кўчага чиқади. Кўкаламзорлаштириш, ободонлаштиришда фаол иштирок этади. Маҳалла аҳли улуғ айём — «Наврўз»ни покланиб, ўз ҳудудини саранжом-саришта қилиб муносиб кутиб олмоқчи.

Шуниси қувончлики, маҳалла жамоасининг бу ташаббусини бутун район аҳли қўллаб-қувватлади. Мурожаатномани Ўзбекистон халқ-демократик партияси Қибрай район Кенгашининг ижроия бюроси ҳам маъқуллади. У райондаги барча бошланғич партия ташкилотларига бу ташаббусни кенг оммалаштириш, ривожлантириш вазифасини юклади. Район Кенгаши ижроия бюроси ана шу мурожаатнома юзасидан махсус қарор қабул қилди.

— Бу мурожаатноманинг қадр-қиммати шундаки, унда байрамни муносиб кутиб олиш, кўкаламзорлаштириш ва ободончилик юзасидан халқ хашарларини ўтказиш, қадимий анъаналарни тиклаш бош мақсад қилиб олинган,— дейди Ўзбекистон халқ-демократик партияси Қибрай район Кенгашининг биринчи котиби Р. Шералиев.— Ана шу мурожаатнома асосида районда наврўзолди халқ ҳашарларини ўтказишга келишиб олдик. Булардан ташқари байрам арафасида меҳр-шафқат марафонлари ўтказилади. Фахрийлар, ногиронлар холидан хабар олинади. Районда яшаётган бошқа миллат ва элатларнинг маданиятларини ривожлантириш, улар билан ҳамкорлик қилиш ҳам дастурга киритилган. Бир сўз билан айтганда маҳалла жамоасининг мурожаатномасини барча район халқи хушнудлик билан кутиб олди. Ҳозирнинг ўзидаёқ белгиланган тадбирлар асосида дастлабки ишлар бошлаб юборилди.

Ф. МУҲИДДИНОВ.

МУШТАРИЙ ТАКЛИФИ

ЎЗИМИЗНИНГ НАВЛАРИМИЗНИ ТИКЛАЙЛИК!

КЕЙИНГИ пайтларда матбуотда уруғчилик муаммолари тўғрисидаги мақолалар кўплаб бериляпти. Унда турли хил фикрлар билдирилиб, муаммони бартараф этиш йўллари ҳақида таклифлар ҳам айтилмоқда. Бу яхши, лекин назаримда амалда эса ҳеч қандай силжиш бўлмаётгандек. Ахир ўлкамизнинг жаннатмакон эканлигини ҳамма биладику! Нега кейинги пайтда уруғни айнитиб юбордик? Мисол тариқасида картошка етиштиришни олиб кўрайлик. Ҳозирги шароитда табиийки, бизнинг асосий истеъмол қиладиганимиз ҳам картошка бўлиб қолди. Лекин қиш давомида уни сақлашнинг ўзи бўлмаяпти. Нега шундай бўляпти? Рўзномалардан ўқиб қоламан. Уруғлик Россиядан, яна бошқа совуқ ўлкалардан келтирилмоқда. Хўш, айтингчи, ўша совуқ ўлкалардан олиб келинаётган уруғлик картошкалар юқори ҳосил беряптими? У бизнинг табиий шароитимизга мослаша олмай охир-оқибатда ҳосилдорликнинг кескин камайиб кетишига олиб келмаётибдимикин? Яна қанақадир калорадо деган қўнгиз ҳам қаердан чиқди? Нега ҳозиргача унга қарши ишлатиладиган дори топилмаяпти? Ана шу саволларни бир ўзимизга бериб, ўйлаб кўрайлик-чи! Менимча, шу саволларга жавоб излаш вақти келди.

Илгари ўзимизнинг «Қайчибарг», «Обидов», «Қайроқи» деган картошка навлари бўларди. Уларнинг қуввати ҳам кучли бўлиб, иссиқ-совуққа ниҳоятда чидамли бўлади, дейишади кексаларимиз. Таклифим, ана шу навларни ўзимизда қайтадан тиклаш керак.

Ҳ. ҚУЧҚОРОВА.

• *Ойнаи жаҳон кўрсатуви ҳақида*

Ҳаммаси табиий, ҳаммаси ҳаётий

Тўғрисини айтиш керак, кейинги пайтларда ойнаи жаҳонда илгаридан бериб келинадиган бир қатор рукнлардаги ижтимоий, ахлоқий, тарбиявий мавзудаги жуда кўп мазмунли эшиттиришлар, баҳсу мунозаралар негадир камайиб кетди. Айниқса, каттадан кичик зўр қизиқиш ва ихлос билан томоша қиладиган «Оталар сўзи —ақлнинг кўзи» кўрсатувининг эфирга чиқмай қолганлигидан кўпчилик таажжубда эди. Нега? Кимга, нимаси ёқмай қолди бу кўрсатувнинг?

Айтишларига қараганда аввалги раҳбарлардан бири бундай йиғлоқи эшиттиришларнинг кераги йўқ. Янгиларини топинглар, деб уни бердирмай қўйган экан. Бу орада эшиттириш бошловчиси Бадал Нурмуҳаммедовнинг вафот этганлиги ҳам баҳона бўлди. Қарангки, бунга ҳатто Президентимиз ҳам эътибор қилдилар. Бу эшиттиришни тиклаш зарурлигини таъкидладилар.

Ўтган пайшанба куни телеэкран қаршисида ўтирар эканмиз, бир вақт экранда ҳаммамиз учун таниш, қалбларни ром этувчи ва кишини чуқур ўй ва ҳаёлларга чўмдирувчи сеҳрли мусиқа садоси янграб қолди. Бу ўша севимли «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувининг мусиқаси эди.

Экранда жуда таниш чеҳра — бошловчи, истараси иссиқ нуроний отахоннинг сиймоси намоён бўлди. Отахон ниҳоятда самимийлик, босиқлик билан дона-дона сўзларди, у ўз сўзида орада бўлиб қолган танаффус сабабларини шарҳлади. Кўрсатувнинг дастлабки бошловчилари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Карим Хонкелдиев, Бадал Нурмуҳаммедовларнинг руҳи поклари ёд этилди, уларнинг тасвирлари кўрсатилди. Шундан сўнг бошловчи ҳозирги туриш-турмушимиз, қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз билан боғлиқ муаммолар билан ўртоқлашди. Айрим жамоаларда инсоннинг қадр-қиммати оёқ-ости қилинаётганлиги, унга эътибор сусайиб кетганлиги, энг ачинарлиси меҳр-оқибат йўқолиб, маънавий қашшоқлашиб бораётганлигимизни ташвишланиб гапирди. Одамларни инсофу товфиққа чақирар экан, ўзи гувоҳ бўлган, кўрган бир воқеани вагонда сафарга чиққан бир муштипар аёл тилидан ҳикоя қилиб берди.

Воқеа шундайки, тақдирнинг қақшатқич зарбасига учраган бир деҳқон ўғлини армиядан олиб қолиш ва қолаверса, ўқитиб одам қилиш учун институтга жойламоқчи бўлади. Қариндош-уруғлари бунинг ўзи бўлмайди, мушкул иш дейишади. Биламан, жамғарган пулим бор, қолганига ёрдамлашасизлар, дейди деҳқон. Шундай қилиб у ёнига 10 минг сўмни тугиб шу қишлоқда туғилиб ўсган, институтлардан бирида домлачилик қилаётган Саъдулла исмли ўқитувчининг олдига боради. Ундан ёрдам сўрайди. Лекин домла Саъдулла сирим элга ошкор бўлмасин деб чўчийди, шекилли, бошқа йўлни тутади. Сизга ёрдам беради, деб Ҳусан исмли йигитга учраштиради. У ўтакетган ва пихи қайирилган фирибгар эди. Деҳқонни алдайди, қўйнини пуч ёнғоққа тўлдиради. Бироқ деҳқоннинг ўғли имтиҳонда йиқилиб чиқади. Буни эшитган Собир деҳқон ўша жойнинг ўзида юраги ёрилиб ўлади.

Аввало шуни айтиш керакки, эшиттириш мавзуи жамиятимизда патос бойлаб илдиз отган иллат — айрим илмгоҳлардаги порахўрлик, таъмагирлик мавзуига бағишланганлиги билан характерлидир. Тўғри, бу мавзу янги эмас, лекин бунинг талқин этилиши тамоман янгича бўлди. Артистлар ўз ролларини ниҳоятда моҳирлик билан ўйнашди. Экранга тикилиб туриб, беихтиёр ия, бу одамни қаерда кўрган эдим, қаерда гаплашган эдим, жуда таниш-ку деб ўйлайсиз. Айниқса, домла ролини Ҳамза номли театр артисти Салоҳиддин Зиёмуҳаммедов қойил қилиб ўйнаган. У мол-дунёга ниҳоятда хирс қўйган, илмни эмас, фақат ўзини ўйлайдиган сохта ва риёкор олимдаги очкўзлик, иккиюзламачилик, тилёғламаликни ёрқин бўёқларда ишонарли қилиб ифодалади.

Марғилондаги маданият уйидан таклиф этилган Баҳодир Тўхтасинов талқинида Собир томошабин кўз ўнгида ниҳоятда камтар, меҳнатдан бошқани билмайдиган пок, ҳалол, софдил, ўта ишонувчан, содда ва ҳокисор деҳқон сифатида намоён бўлади.

Айрим образлар шундоққина ҳаётнинг ўзидан олинган. Собир деҳқон домлани қидириб кетаётганда йўлда учратиб сўраган отахон — бу Тошкентнинг Чимбой маҳалласида истиқомат қилувчи Абдулҳақ Мирзааҳмад ўғлидир. Энг муҳими шуки, бошловчи ҳам, артист эмас, оддий бир одам. У Бўка районидаги Ҳамза номли жамоа хўжалигининг таниқли ижарачи бригадири. Олий маълумотли мутахассис, «пахта иши» жабрини тортган уста пахтакор. Эл ўртасида катта обрўга эга бўлган Шарифҳожи Валижоновдир. Лекин кўрсатув муаллифлари, режиссёр у кишининг кимлигини «сир» тутишди. Қани кўрайлик-чи, бошловчининг ўзини тутиши, эшиттиришни олиб бориши, гап-сўзлари одамларга маъқул бўладимийўқми? Бу томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди.

Бизнинг назаримизда эса одамларнинг фикри яхши. Баҳоси аъло. Улар «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатуви қайта тикланганлигидан ғоят мамнун ва хушнуд бўлдилар. Чунки бу кўрсатувда ҳамма нарса табиий ва ҳаётий чиқди.

Ўйлаймизки, мазкур туркумдаги кўрсатувлар бундан кейин ҳам сайқал топиб, янада табиий бўлиб, ҳаётнинг ичига чуқур кириб, мазмуни яна ҳам бойиб боради.

Н. РИХСИЕВ.

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ҚОНУН БАЖАРИЛМАЯПТИ

РЕПРЕССИЯ қилинган халқлар тўғрисидаги Қонун ижросини шу халқларнинг Нальчикда бўлган фавқулодда съезди муҳокама қилди. Съездда Россия ҳукумати бу Қонунни амалга ошириш учун аниқ тадбирлар кўрмаётганлиги таъкидланди. Сталин қатағони йиллари таъқибларга учраган саккизта халқ вакиллари бундай позиция Чечен революцияси сценарийси такрорланишига олиб келмасдан қолмайди, деб огоҳлантирдилар.

МОСКВАГА ТАКЛИФ ҚИЛИНДИЛАР

РОССИЯ федерацияси Ташқи ишлар вазирлиги Озарбайжон ва Арманистон давлат делегацияларига расмий таклифнома юборди. Улар Тоғли Қорабоғдаги вазият билан боғлиқ масалаларни тартибга солиш юзасидан музокаралар ўтказиш учун 20 февралда Москвага таклиф қилиндилар. МДҲ давлат бошлиқларининг 14 февралда Минскда бўлган учрашуви чоғида президентлар Б. Ельцин, А. Муталибов ва Л. Тер-Петросян ўртасида ана шу битимга келишилган эди.

ХАЛҚ ФРОНТИНИНГ ЯНГИ НОМИ

МОЛДОВА Халқ фронтининг съезди бўлиб ўтди. Съезд бу ҳаракатни бундан буён халқ-христиан демократик фронти деб аташга қарор қилди. Молдованинг собиқ бош вазири Мирча Друк унинг раиси қилиб сайланди. Съездда янги низом ва дастур тасдиқланди. Дастурда бу ташкилотнинг олий мақсади эълон қилинди. Бу мақсад Молдова билан Руминияни бирлаштириш, унитар румин давлатини тузишдан иборатдир.

УРУШ ТЎХТАМАЯПТИ

17 ФЕВРАЛГА ўтар кечаси бўлган кучли ўқ отиш ва ундан сўнг бошланган арман жанговарларининг ҳужуми натижасида Озарбайжоннинг Огдара районидаги Қорадоғли қишлоғининг 20 дан ортиқ аҳолиси ҳалок бўлди, 15 нафардан ортиқ киши яраланди. Ўтган кун эрта тонгда қишлоқ жангарилар томонидан босиб олинди, унинг аҳолиси — хотин-қизлар, болалар ва қариялар яқин-атрофдаги ўрмонларга бекинишга мажбур бўлдилар.

СИБИРЬ ТАТАРЛАРИ ТАЛАБИ

«Сибирь—Сибирь татарларининг мустақил республикаси бўлиб қолиши керак», дейилади шу халқ вакили Спартак Абдулинининг «Сибирская газета»да эълон қилинган хатида. У шуни эслатиб ўтадики, Ермак дружиналари келгунга қадар Сибир хонлиги бўлар эди. Бу хонликнинг Тобол дарёсида пойтахти мавжуд эди. Мазкур хатни шарҳлаб рўзнома маълумотнома ҳам эълон қилган. Бу маълумотномага кўра Тюмень вилоятида татарлар аҳолининг 7,3фоизини, Омскда 2,3, Новосибирск вилоятида 1,1, умуман Ғарбий Сибирда тахминан уч фоизни ташкил қиладилар.

КПСС СЪЕЗДИНИ ЧАҚИРИШМОҚЧИ

15-16 ФЕВРАЛЬ кунлари Железнодорожний шаҳри (Москва вилояти)да коммунистларнинг фавқулодда Бутуниттифоқ конференцияси бўлиб ўтди. Унда шу йили КПСС XXIX съездини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Россия Коммунистик ишчилар партиясининг таклиф қилинган вакиллари конференциядан жўнаб кетиш олдидан баёнот бердилар. Баёнотда Россия Коммунистик ишчилар партияси КПССнинг ва РСФСР Компартиясининг конституцияга зид равишда таъқиқланганлигига қарши чиқиш билан бирга коммунистларнинг юзаки ташкилий бирлашишини жадаллаштиришни масъулиятсизлик ва авантюристик иш деб ҳисоблайди. Шунингдек Коммунистлар Уюшмаси, КПССдаги большевистик платформа, Ёшлар коммунистик ҳаракати, бир қатор маҳаллий партия ташкилотлари вакиллари ҳам бу конгресс ўзини Бутуниттифоқ конференцияси деб эълон қилганлигига қўшилмадилар. Улар Устав талабларига риоя қилган ҳолда КПССнинг XXIX съездини чақиришга кўмаклашувчи ўз ташкилий қўмиталарини тузадилар.

(МАТБУОТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ИЖАРА ШАРОФАТИ

ҚИБРАЙ ноҳиясидаги Ленин номли жамоа хўжалигининг 4-бригадасига тадбиркор ёшлардан бири Абдулаҳад Ҳамидов етакчилик қилади. У илгари шу бригадада ҳисобчилик қилар, ўзининг елиб-югуриши, ишчанлиги билан кўпнинг тилига тушган эди. Шунинг учун бригадага янги раҳбар керак бўлиб қолганда, одамлар бир овоздан унинг номзодини кўрсатишди. Шу-шу бўлди-ю, бригададаги барча ишлар юришиб кетди. Ўтган йили унинг бригадаси оила пудратига ўтиб ишлашга қарор қилди. Улар 30 гектар майдонда пудрат асосида меҳнат қилдилар. Пудратнинг афзаллик томонларини исботлашиб, биринчи йилиёқ режадаги 450 ўрнига 680 тоннадан кўпроқ сабзавот етиштирдилар. Даромадлари ҳам чакки бўлмади. Маҳмуд Ортиқов, Абдумавлон Умаров, Муборак Мирдавидова каби пудратчилар 5-10 минг сўмдан қўшимча даромад олдилар.

Ҳозирги кунда оилавий пудратчилар дала ишларини бошлаб юборишди. 20 гектар ерга жўяк тортишиб, экин экиш учун тайёрлаб қўйишди. Ўтган йили август ойида 4 гектарга пиёз уруғи, 1 гектарга сабзи, 1гектарга (плёнка тагига) редиска уруғи сепиб қўйишган эди. Айни кунларда улар бу ердан юқори ҳосил олиш учун экинларга парваришни кучайтирмоқдалар. Бундан ташқари 7 гектарга карам, 3 гектарга картошка экишга киришдилар.

Турғунбой ЭШТОЕВ.

• *Бозор иқтисодиёти ва банклар*

ХАЛҚ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

МЕНИ банк ходимларининг йиғилишига таклиф қилишганда яна шунчаки йиғилиш бўлса керак, деб ўйлагандим. Қизиқишим ҳам унчалик эмас эди. Йиғилишда қатнашганимдан сўнг бошқача фикрга келдим. Ҳозирги иқтисодий таназзул шароитида жумҳуриятимизнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш асосий масалалардан биридир. Хўжалик юритишнинг янги усуллари изланмоқда. Буни вилоятимиздаги районларда рўй бераётган ўзгаришлар ҳам тасдиқлайди. Чунки ҳар бир қишлоқда, жамоа хўжалигида янги-янги ижарачи фермер хўжаликлари, ширкатлар, кичик корхоналар ишга тушяпти. Бугун ҳаракат қилмаган ютқазади. Йиғилишда ўтириб, мана шулар ҳақида бир тўхтамга келдим.

Шундай экан, бир нимага эришиш учун бозор иқтисодига ўтилаётган ҳозирги даврда банк идоралари ва бошқа маҳкамалар, идоралар олдида тўсиқлар йўқлигига ишонмайман. Иқтисодни бундай тўсиқларни бутунлай олиб ташламасдан туриб ривожлантириб бўлмайди.

Яқинда Тошкент вилояти деҳқончилик саноати акционер-тижорат банки ходимларининг акционерлар иштирокидаги дастлабки умумий йиғилиши ана шу масалаларга бағишланди. Йиғилиш банкнинг йил давомида қилинган ишларига якун ясади.

Биринчи бўлиб сўз олган Ўзбекистон Республикаси деҳқончилик саноати акционер-тижорат банкининг Тошкент банки бошлиғи Ш. Ш. Шоғиёсов Ўзбекистон Республикаси Президенти ва республика раҳбариятининг бозор иқтисодиётига ўтиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, вилоят иқтисодини ривожлантиришга йўналтирилган қарорларини бажаришга ва бир қанча чора тадбирлар қабул қилинганига қарамай 1991 йил натижалари қаноатлантирмаганини айтиб ўтди. Жумладан, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўтган йилда 2877,6 миллион сўмни ташкил этди. Бу 1990 йилги натижалардан 9,7 фоизга кам демакдир. Олдинги йилларга нисбатан чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам пасайди. Гўшт 21,1 фоиз, сут 6,8 фоиз, тухум 10,7 фоиз кам сотилган.

Бундай рақамларни кўплаб келтириш мумкин. Хўш, бунинг туб сабаблари қаерда? Менимча, республикалараро хўжалик алоқаларининг бузилганлиги қишлоқ хўжалиги ходимларини қийин аҳволга солиб қўйган. Шунинг учун ҳам вилоят деҳқончилик саноатини ривожлантириш тадбирларини амалга оширишда акционер-тижорат банклари муҳим роль ўйнайди. Улар ажратаётган қарзларидан ҳар бир хўжалик унумли фойдаланса, албатта, ялпи ривожланишга таъсир кўрсатади.

Вилоят деҳқончилик саноати, акционер-тижорат банки ўзининг 3 минга яқин мижозига хизмат кўрсатяпти. Буларнинг аксарияти деҳқончилик саноати мажмуи корхоналари ва ташкилотларидир. Акция эгаларининг сони ҳам ортиб бормоқда. Ҳозирда унинг 105 та ҳуқуқий акционерлари бор. Жамоа ва шўро хўжаликлари, корхоналар, ташкилотлар банкининг асосий акционерларидир. Йиғилишга бежиз «Политотдел» жамоа хўжалиги танланмаган. Бу жамоа хўжалиги аъзолари ҳам банкнинг энг йирик акционерларидан бири экан. Шунингдек, «Оқ-қўрғон», Сегизбоев номли, «Кўкорол», «Ғаллақудуқ», Иваново номли шўро хўжаликлари, «Қизил-Ту», «Ғалаба», Фозилов номли, «Правда», «Коммунизм» жамоа хўжаликлари ҳамда Янгийўлдаги «Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш фабрикаси, Паркент вино заводи, «Красний водопад» тажриба базаси, шаҳар давлат суғурта бошқармаси каби бошқа ташкилотлар ҳам банк акцияларини сотиб олганлар. 1991 йилда банк яхши иқтисодий натижаларга эришган: 42,1 миллион сўм фойда олинди. Бу эса банкни бюджет ва бошқа хил мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китобини тўлиқ амалга оширишга ёрдам берди. Қарз бериб деҳқончилик саноати мажмуини ривожлантириш, қишлоқда янги иқтисодий бўлимларни — ижарачилар, қишлоқ хўжалиги ширкатлари, деҳқон хўжаликларини вужудга келтириш, мижозлар манфаатини таъминлаш, акционерларнинг дивидендлари ҳисобига юқори даромад олиш, юксак хизмат кўрсатишни банк ўзининг муҳим вазифаларидан бири ҳисоблайди.

Бозор иқтисодиёти муносабати билан ўтган йили қарз сўраган хўжаликларнинг сафи кенгайди. Шунинг учун ҳам 1992 йил 1 январигача уларнинг ҳаммасини талаби қондирилди. Халқ хўжалиги тармоқларига ажратилган маблағ 1308,6 миллион сўмни, қисқа ва узоқ муддатли қарзлар 215,2 миллион сўмни ташкил этди. Қишлоқларда янги иқтисодий корхона ва хўжаликлар тузилиши учун 48 миллион сўм қарз берилди. Деҳқон хўжаликларига эса қарз бериш 2,5 бараварга ортди. Улар 847 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Бу маҳсулотларнинг асосий қисми аҳолига сотилди. Яна шунга ўхшаш жуда кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Биз илгари ҳам хабар берган эдик. Ким Пен Ҳва номли жамоа хўжалигида банкнинг бевосита иштироки билан яъни соф даромади ҳисобига ёғ заводи қурилиши охирига етиб қолди. Ушбу завод қурилишига 500 минг сўм сарфланди. Ҳадемай ёғ ҳам ўзимиздан чиқади. Шу йилнинг ўзида икки минг тонна ёғ ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Ҳозирги вақтда жамоа хўжалигида банк қарзлари ҳисобига қурилган кичик корхоналар чит ва атласни тўқиб чиқармоқда. Шунингдек узоқ муддатли қарзлар 20 та иссиқхона, 8 та паррандачилик фабрикаси, 37 та чорвачилик мажмуилари учун берилди.

— Яқинда Туркияда бўлиб қайтдик, — деди Шомухтор Шохолматович, — турк ишбилармонларининг иш услублари бизда катта таассурот қолдирди. Уларнинг баъзи бирларини ўзимизда қўллаб кўрмоқчимиз. Масалан, етакчи фирмалар билан қўшма корхоналар тузишни мўлжаллаб турибмиз. Қайсар вилоятидаги ва Истамбул шаҳридаги «Зироат» банкларини кўрдик. Банкнинг иш услуби бошқача тузилган. Туркияга ташрифимиздан мақсад бизникидан фарқли ўлароқ жумҳуриятимизда банк ишларини янада ривожлантириш, бозор иқтисодиётида тирилса қарзларидан ҳам қутуладилар.

Иқтисоднинг бозор муносабатларига ўтишида банк ходимларидан ишга ижодий ёндашиш, ҳозирда қўлланилаётган услуб ва шаклларни ўзгартириш талаб этиляпти. Ўз навбатида ишчан, ҳаракатчан кадрларни жой-жойига қўйиш банкнинг муҳим томонларидан биридир.

Хуллас, бугунги давр банкнинг эгаси кимлигини суриштирмайди. Янгилик сари интилиш бўлса бас. Аслида банк эгалари бу акционерлар. Уларнинг ишлаш тартиби битта. Қонун асосида иш олиб бориш. Банк фаолиятига ҳар кимнинг аралашаверишига рухсат берилмаган. Акционерлар қарзларини қайси соҳага йўналтиришидан қатъий назар биринчи навбатда аҳоли эҳтиёжини, талабини қондиришлари зарур.

Банк бозор иқтисодиётининг ривожланиш даврида асосий боғловчи манба бўлиб қолади. У истеъмолчи билан биргаликда муаммоларни ҳал қилади. Энди қарзни унга-бунга берамиз, деган ақидаларга амал қилмаслик керак. Эски услублар билан ишлаб чиқаришни ривожлантира олмаймиз. Шундан келиб чиқиб, акционерлик-тижорат банклари яхши натижалар бермоқда. Шунинг учун, жойларда унинг кичик-кичик бўлимларини ҳам очса бўлади.

Бундан ташқари халқнинг жамғармалари ҳам сақланяпти. Булар учун банк ўз кафолатини беради.

Йиғилиш сўнггида акционерлар деҳқончилик саноати акционер-тижорат банкининг 1992 йилги баланс ҳисоботини тасдиқладилар. Йиғилишда Ўзбекистон республикаси деҳқончилик саноати акционер-тижорат банкининг кадрлар бўлими бошлиғи Ш. Ё. Ёқубов қатнашди.

Ҳ. ЮНУСОВ.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ЭРОН

● **УТГАН якшанба ва душанба кунлари Эрон пойтахти — Теҳронда Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотининг навбатдаги кенгаши бўлиб ўтди. Унда биринчи марта собиқ СССР жумҳуриятлари бўлган олти мусулмон давлати ҳам иштирок этди.**

Маълумки, Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти 1985 йилда Эрон, Покистон ҳамда Туркия томонидан таъсис этилган эди. Шу йил февраль ойи бошларида унга Озарбайжон, Ўзбекистон ва Туркманистон аъзо бўлдилар. Навбатдаги кенгашда Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистон вакиллари кузатувчилар сифатида иштирок этдилар.

Кенгашда сўзга чиққан Эрон Президенти Хошимий-Рафсанжоний ИҲТ «шимол ва жануб ўртасида кўприк вазифасини ўташи мумкин» деб ишонч билдирди. Кенгашда асосан иқтисодий муаммолар кун тартибига қўйилди.

ТУРКИЯ

● **ШУ КУНЛАРДА жаҳон оммавий ахборот воситалари Туркия бош вазири яқинда АҚШда бўлган пайтида айтган гапларини кенг шарҳламоқдалар. Чунки, у ўз мамлакатининг собиқ совет жумҳуриятларига бозор иқтисодиётини ривожлантиришда ва демократияни мустаҳкамлашда астойдил ёрдамлашиш ниятида эканлигини айтган эди.**

Америка — Туркия дўстлиги кенгашининг йиллик конференциясида сўзлаган нутқида С. Демирел Туркия анчадан буён СССР тарихига кирган жумҳуриятлар билан кенг ва ҳар томонлама савдо-сотиқ алоқаларини давом эттириб келмоқда, деди. Бош вазир МДҲ мамлакатлари билан ҳамкорликка доир қатор мисоллар келтириб, Туркия бу жумҳуриятларда қўшма корхоналар барпо этаётганлигини, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Озарбайжон билан иқтисодий, техникавий ҳамкорлик хусусида битимлар имзоланганлигини, молия ва солиқ ислоҳотини амалга оширишда, транспорт воситалари ҳамда ҳаво йўлларини ривожлантиришда, телеалоқалар тизимини янгилашда мазкур жумҳуриятларга ёрдам берилаётганлигини таъкидлади. Туркия-нинг мустаҳкам илдиз отган демократияси, житимоий ва сиёсий тузилмалари ва самарали ишлайдиган эркин бозори собиқ Совет Иттифоқи жумҳуриятлари учун намуна бўлиши мумкин, деган фикрни билдирди С. Демирел.

ИРОҚ

● **МАЪЛУМКИ, анчадан буён Америка ва баъзи бир Ғарб давлатлари Ироқини ядровий қуролини яратиш дастурини давом эттириб келишликда айбламоқдалар. Бироқ, Ироқ ўз шаънига айтилган бундай айбларни рад қилди ва Бағдодга қарши иқтисодий қамални давом эттириш тўғрисида БМТ Хавфсизлик Кенгаши яқинда қабул қилган қарорини «қонуний ва мантиқий асосларга эга бўлмаган» қарор деб таърифлади. Рейтер ахборот агентлигининг Бағдоддан хабар қилишича, яқинда Ироқ ташқи ишлар вазири Аҳмад Хусайн Худоёр БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарори хусусида гапириб, БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзоларидан бирининг «Ироққа душманлик муносабати» натижасида мазкур қарор қабул қилинганлигини таъкидлади.**

ЛИВИЯ

● **РЎЗНОМАМИЗ яқинда ўз саҳифасида чоп этган «Локерби устидаги фожиа изидан» сарлавҳали мақолада 1988 йилда Шотландиянинг Локерби қўрғони устида портлаб кетган «Пан-Америкэн» тайёраси тўғрисида батафсил ҳикоя қилган эди. Унда мазкур портлашда Ливия фуқароларидан икки киши айбланаётганлиги ҳам айтилган эди.**

Ассошиэйтед пресс ахборот агентлиги кузи кеча Ливиядан хабар бериб, бу икки террорчининг йўқолиб қолмаганлиги, улар устидан яқинда суд ўтказилажаклигини маълум қилди.

Суд Ливия Олий суди аъзоси раислигида ўтади. Чунки, баайни мазкур шахс тергов ишларини олиб борган эди.

КХДЖ

● **УТГАН якшанба куни шимолий Кореяда Президент Ким Ир Сен ўғлининг 50 ёшга тўлганлиги жуда катта миқёсда тантана қилинди. Чунки, Ким Чен Ир ва Ким Ир Сен туғилган кунлар КХДЖда миллий байрам сифатида нишонланади. Ассошиэйтед пресс ахборот агентлиги мухбирининг таъкидлашича, Ким Чен Ир шу йилнинг ўзидаёқ 79 ёшга кирган ўз отаси ўрнини эгалласа керак. Ким Чен Ир ҳозир маилакат қуролли кучларининг раҳбари ҳисобланади.**

МИСР

● **БИР НЕЧА кун муқаддам Саудия Арабистонининг Мадина шаҳри яқинида автомобиль ҳалокати содир бўлди. Натижада 6 киши ўша ернинг ўзидаёқ ҳаётдан кўз юмди, 40 киши эса жароҳатланди. «Ижишни газетт» рўзномасининг таъкидлашича, автомобиль шофёри кўприкдан ўтаётганда, уни бошқаролмай қолган, натижада, автобус тўсиққа урилиб, ағдарилиб тушган.**

СУДАН

● **ШИМОЛИЙ Суданда Нил соҳилидаги Шенай деб аталган жойда йўловчилар ташиётган паром ағдарилиб, чўкиб кетди. Унинг ичида бўлган 24 нафар кишидан 13 таси ҳалок бўлди.**

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

Туркистон тарихидан ҳикоялар

Октябрь инқилоби: ОШКОР БЎЛМАГАН САҲИФАЛАР

1

1917 йилда Россияда рўй берган икки инқилоб ҳақида кўплаб асарлар яратилган. Бутун жаҳон тақдирида туб бурилиш ясаган Февраль ва Октябрь инқилобининг хусусиятлари, сабаблари ва тарихий аҳамияти тўғрисида Европа ва Осиё тарихчилари ўртасида турли мунозаралар ҳамон давом этмоқда. Хусусан, Россия империяси мустамлакаларида, жумладан Туркистонда бу инқилоблар қай даражада акс этди? Ўзбекларнинг инқилобдаги иштироки қандай бўлган?

Ўрта Осиё тарихчилари ўз тадқиқотларида мазкур масалани ёритишга баҳоли қудрат ҳаракат қилишган. Аммо ҳукмрон мафкура қобиғидан чиқиб холис баҳо бериша олмаган. Эндиликда, мустақил жумҳуриятлар муаррихлари бу масалани очиқ-ойдин ёритиш имкониятига эга бўлдилар.

Қуйида биз ана шундай тадқиқот натижаларидан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ПУЧГА ЧИҚҚАН РЕЖА

1917 йил ўлка учун жуда бехосият бошланди. Қимматчилик ва чайқовчилик кучайган. Меҳнат аҳлининг аҳволи ниҳоят оғирлашган эди. Аҳолининг кўпчилигини ташкил қилувчи деҳқонлар, ишчилар, ҳунармандлар ҳамда турли-туман гумашталар, хизматчилар ўртасида норозилик кучайиб бормоқда. Халқ кайфиятларини ўрганувчи маҳфий хизмат ходимлари ўлканинг турли-туман вилоятларидан юбораётган маълумотлар ҳам бир-биридан ташвишли эди.

«Шаҳарлар ва қишлоқларда,— деб ёзган эди «Августовский» лақабидаги агент,— кундалик зарур моллар, жумладан, қанд, гугурт, лампа мой кабиларнинг тақчиллиги, кўпинча эса йўқлиги ва ўсиб кетаётган қимматчилик одамларда ноҳушликни кучайтирмоқда. Қимматчилик туфайли деҳқонлар ва ишчилар ширкатлар ташкил этишга киришишган. Бу ширкатларга эса зиёлилар суқилиб кирмоқда ва улар ҳукуматимизнинг мавжуд аҳволни тузатишига ноқобиллиги ҳақида ташвиқот юритишмоқда. Ана шу тариқа ширкатлар социал-демократлар фирқаси ғояларини жамиятга сингдираётган марказлар вазифасини бажармоқда». Маҳфий сиёсий разведканинг тажрибали изқувари Августовский 1917 йил январь, февраль ойларида юборган маълумотларида «Тошкент озиқ-овқат қўмитаси идораси аъзолари қанд билан чайқовчилик қилаётгани» ҳамда озиқ-овқатлар танқислиги туфайли яқинда Тошкентда «катта можаро чиқиши мумкин» деган хулосага келади. «Аҳоли ўртасида,— ёзган эди у,— «маҳаллий маъмурият савдосотиқни тартибга солмаётган экан, чайқовчиларни, молларни беркитаётган савдогарларни ўз паноҳига олаётган экан, демак ҳаммасини ўз қўлимизга олиб ишни тартибга солмасак, бўлмайди» деган гоя чуқур илдиз отмоқда» Августовский иқтисодий аҳвол таҳлили асосида 1917 йил 2 мартда йўллаган хабарида вазият таҳликали эканини рўй-рост баён этади. (ЎзССР МДА, И-467 фонд, 1-рўйхат, 2120-иш, 147—148-бетлар).

Туркистон генерал-губернатори А. Н. Куропаткин бошлиқ маъмурият ўлкадаги тангликни бартараф қилишга ҳеч қандай чоратадбирлар кўрмади. Марказдан керакли озиқ-овқат, биринчи навбатда ғалла келтириш масаласини ҳам назардан қолдирди. Ҳолбуки марказдаги савдо-саноат доиралари талаби билан ўлкадаги дон майдонлари қисқартирилиб ўрнига пахта экиш кучайгани унга маълум эди. Шартга кўра дон-дунни Россия губерниялари Туркистонга юбориши лозим эди. Куропаткининг диққат-эътибори ўлкада оммавий қатағонни кучайтиришга қаратилган эди. У 1917 йил февраль ойида миллий-озодлик қўзғолони иштирокчилари устидан чиқарилган ҳукмни имзолади. Бу ҳукмга кўра 347 киши — ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар дорга тортилди, юзлаб кишилар сургунга юборилди. Жиззах ноҳияси деҳқонларининг 2 минг гектар ери мусодара қилинди.

Куропаткин жуда узоққа мўлжалланган мустамлакачилик ва ўлкани руслаштириш сиёсатини ишлаб чиққан эди. Россия дворянлари ва капиталистлари манфаатини акс эттирувчи бу сиёсат дастурини бир рус публицисти шундай ифодалаган эди:

— Ўлкани руслаштириш қонуний қатағон қўрқувида аҳолини рус ҳокимияти нима истаса шуни қилдиришга қодир кучларни кўпайтириш дегани эмас. Тарихнинг ўзи рус кишисини мустамлакачилик ишига нақадар лаёқатли эканини кўрсатди. Фақат тинчлик йўли билан меҳнаткаш деҳқонлар ва ярим жанговар казак кучларининг ҳамкорлиги ҳамда рус элементини ўлкада кўпайтириш Туркистон ўлкасини аста-секин руслаштириш имкониятини яратади. (Мисли русского человека. 1899, 26-бет). Худди шу нуқтаи назардан келиб чиққан Куропаткин Еттисувдаги 37355 қозоқ-қирғиз хўжалигини мусодара қилиш ва 2 миллион 510 минг гектар ерни хазина ҳисобига ўтказиш режасини тузди. Бундай зўравонликка қарши мусулмон аҳолисининг кўзголон кўтаришини олдини олиш мақсадида генерал-губернатор буйруғига кўра Туркистон ҳарбий округи штабида «ҳимоя қисмлар» тузиш ишлари бошланган эди. Худди ана шундай бир пайтда Петроградда подшо ҳокимияти ағдарилгани ҳақидаги хабар Тошкентга етиб келди. Уни биринчи бўлиб Куропаткинга Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори генерал-лейтенант Галкин етказди. Генераллар ўзаро келишиб бу сирни ҳеч кимга билдирмасликка ҳамда Петроградда воқеалар ривожини кутишга қарор қилишди. Аммо Николай II тахтдан воз кечганлиги ҳақидаги шошилинчнома телеграфда кўчириб олинган ва қўлпайтирилиб шаҳарга тарқаган эди.

Чоризмнинг ағдарилганлиги, Россия империяси ўрнига жумҳурият пайдо бўлганлиги яшин тезлигида бутун Туркистон ўлкасига тарқаб, турли табақаларга турлича таъсир қилди. Инқилобнинг биринчи ойларидаёқ биргина Тошкентнинг ўзида 20 дан ортиқ ижтимоий-сиёсий ташкилотлар вужудга келди. Тошкент Эски шаҳрида 5 март куни зиёлилар ташаббуси билан «Ерлилар қўмитаси» тузилди, 8 мартда эса муаллимлар, шифокорлар, гумашталар ва хизматчилар жамиятлари ташкил топди. Андижонда «Озод халқ», «Ҳуррият», «Маърифат», Самарқандда «Муравважул ислом», Каттақўрғонда «Равнақул ислом» каби ташкилотлар юзага келди. «Улуғ Туркистон», «Турк эли», «Нажот», «Кенгаш», «Шўрои ислом», «Ҳуррият», «Тирик сўз», «Фарғона нидоси» каби нашрлар чиқа бошлади.

ПИСКЕНТ ВОҚЕАСИ

Мусулмон зиёлилари зўр фаоллик билан сиёсий ҳаётга киришиб кетдилар. «Ёш сартлар», «Тараққийпарварлар», номли авваллари полиция рўйхатида турган ўзбек зиёлилари ва уларга эргашган

2

миллий буржуазия — савдо-саноат доиралари ҳамда уламолар жойларда кенг халқ оммасига таянган ҳолда сиёсий ташаббусни қўлга олдилар. Буни Пискентда рўй берган воқеалар ҳам рўй-рост тасдиқлайди.

1917 йил 26 мартга ўтар кечаси «Тараққийпарварлар» фирқаси раҳбарларидан Убайдулла Асадуллахўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков ва Собиржон Юсупов Пискентдаги участка пристави Ковдишевни инқилобий демократия номидан ҳибсга олишади. Подшонинг мутаассиб хизматкори, золимлиги билан Мочаловдан ҳам қолишмайдиган Ковдишевни бир ҳовлига олиб келишади. Бу ерда собиқ пристав ўзига душманлар қаторида полковник Жўрабеков, прапоршчик Бобобеков ва маҳаллий қозини кўради. Китоб ҳокими, сўнг рус армиясининг генерал-майори Жўрабекнинг ўғли полковник Оллоқулбек Жўрабеков ва Шаҳрисабз беги, кейинчалик рус армияси полковниги Бобобекнинг ўғли прапоршчик Бобобековга пристав вазифасидан олинганини маълум қилишади. Шу ерда йиғилган ўзбек зиёлилари бир овоздан Пискент ноҳияси бошлиғи лавозимига прапоршчик Бобобеков номзодини кўрсатишади. 26 март куни эрталаб Пискентда катта митинг уюштирилиб, унда ноҳия ижроия қўмитаси сайланади. Ҳокимиятни ўзбеклар қўлига ўтганидан норози рус шовинистлари Тўйтепада прапоршчик Бобобековга шикоят қилишади. Улар собиқ пристав Ковдишевга «зўравонлик қилинганидан» бениҳоя норози эканликларини билдиришади.

Эллик йил давом этган мустамлакачилик тузумида ўзбекларга паст назар билан қараб келган, ўлкадаги истилочи миллат ҳокимлигига ўрганиб қолган рус амалдорлари, зиёлилари, ишчи ва деҳқонлари учун бундай кескин инқилобий ўзгаришлар «ҳазм» бўлиши қийин эди, албатта. Ана шунинг учун ҳам Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори, генерал-лейтенант Корульский ўзининг 27 мартда йўллаган рапортида Пискент воқеаларини ўзича бузиб шарҳлаб, «Тўйтепада рус ва маҳаллий аҳоли ўртасида муносабатлар кескинлашди», деган нотўғри хулосага келган эди.

Мусулмон, хусусан ўзбек зиёлилари дастлабки ойларда февраль инқилоби чинакам ҳуррият беради деб ўйлаган ва Вақтли ҳукуматга ишонган эди. Ҳукуматнинг 6 мартда эълон қилган дастури уларга илҳом бағишлаган эди. Бу дастурдаги табақа-тоифавий, диний ва миллий маҳдудликни бекор қилиш, маҳаллий идораларни сайлашда умумий, бевосита, тенг ва маҳфий овоз бериш ҳуқуқини таъсислаш каби бандлар зиёлилар учун умид дарвозаларини кенг очгандек бўлди.

ПУЧГА ЧИҚҚАН ИШОНЧ

Бу ишонч «Шўрои ислом» ташкилотининг 1-қурултойи (ёки I Умумислом ўлка қурултойи)да яққол акс этди. Қурултой Тошкентда 1917 йил 16 апрелдан 23 апрелгача ўз ишини давом эттирди. Қурултойда Туркистон мусулмон зиёлиларидан 150 киши иштирок этди. Қурултой ҳайъатига узоқ йиллардан бери юрт озодлиги ва маърифати учун курашган таниқли зиёлилар сайланди. Мунаввар қори Абдурашидхонов, Убайдулла Асадуллахўжаев, Собирали Лапин, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Шоаҳмадов, Собиржон Юсупов, Абдураҳмон Ўразаев, Аҳмадбек Қўйбоқаров, Аҳмад Закий Валидов кабилар шулар жумласидандир.

Қурултойдаги бир неча муҳим масалалар — Россияда янги идора усули, Таъсис мажлисига ҳозирлик, маҳаллий фуқаро идоралари, мактаб, мадраса, вақф ишлари, молия-иқтисод, озиқ-овқат, мардикорлар, ер-сув ишлари, «Шўрои ислом» марказини тузиш, умуммусулмон қурултойига вакиллар юбориш ва бошқа долзарб муаммолар қизғин мунозараларга сабаб бўлди. Қурултой Вақтли ҳукуматга тўла ишонч билдириб, унинг Туркистонга оид тутган сиёсатини маъқуллади. Шуниси қизиқки, Туркистон қўмитаси раиси кадет Николай Шчепкин қурултойни Вақтли ҳукумат номидан табриклади ва қурултой йўналиши кадетлар фирқаси дастурил амалига мос тушганидан мамнунлигини билдирди. Бу гирт лўттибозликнинг ўзи эди. Рус капиталининг йирик намоёндаси Шчепкин бундан бир кунгина олдин Туркистон қўмитаси қошидаги ўлка кенгашида Туркистон мустақиллиги масаласига тўхталиб, кадетлар фирқасининг шунга оид фикрини баён этган эди:

— Туркистон мустамлака сифатида инглиз ва француз мустамлакаларига ўхшаш тузумда идора этилади («Туркестанский курьер» газетаси, 1917 йил, 15 апрель) Зотан Вақтли ҳукумат ҳам, унинг думлари бўлмиш меньшевик ва эсерлар ҳам шундай фикрга монанд иш юритар эди.

Туркистондаги РСДРП меньшевиклар фракцияси ва социал-революционерлар (эсер) миллий масала бўйича қабул қилган резолюциясида «Мусулмонлар қолоқ халқ бўлгани учун уларни узоқ келажакда ҳокимиятга яқинлаштириш мумкин, ҳозирча эса мусулмонлар учун маданий ўз-ўзини бошқариш ҳақидагина гапириш мумкин», дейилган эди. Буларнинг бари Туркистон қўмитаси раисига аён бўлса ҳам, Шчепкин уялмай-нетмай Вақтли ҳукумат Туркистон мусулмонларига таянишини гапириб, қурултой қатнашчиларига мусулмонлар автономияси — мухторияти берилишини ваъда қилди. Худди шу Туркистон мустақиллиги масаласи қурултойда кескин тортишувбахсларни уйғотди. Ўлка буткул мусулмон жумҳурияти бўладими ёки Россия федерацияси таркиби-

«ЗАМОН ВА ЁШЛАР» ТАНИШТИРАДИ

«Тошкент ҳақиқати»нинг содиқ муштарийлари Ҳамдам Содиқовни яхши билишади. Унинг жуда кўп мақолалари рўзномамиз саҳифаларида эълон қилинган. Бугунги чиқишига келсак, у айнан тарихимизни ўрганишга чанқоқ ёшларга бағишланган. Ҳозир мактаб ва билимгоҳларда тарих фанида қандайдир бўшлиқ вужудга келган. Йиллар давомида онгимизга мажбуран сингдирилган СССР, КПСС тарихларидан воз кечдик, бироқ «Ўзбекистон халқлари тарихи» тўлалигича тайёр бўлгани йўқ.

Ҳамдам Содиқов ҳозир нашрга тайёрланаётган юқоридаги китоб муаллифларидан биридир. «Тошкент ҳақиқати»нинг муштарийларини эса у биз йиллар давомида бир ёқлама ёритган Октябрь инқилобининг номаълум саҳифалари билан ошно қилади.



Ҳамдам СОДИҚОВ — 1943 йилда Тошкентда туғилган. 22-ўрта мактабни битириб, Тошкент тўқимачилик комбинатида ишлаган. ТошДУ журналистика кулliётини битирган. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, «Ёш ленинчи» рўзномасида мусаҳҳиҳ, адабий ходим ва бўлим мудири бўлиб ишлаган. Аспирантурани битириб, Ўзбекистон халқлари тарихи музейида илмий ходим, бўлим мудири лавозимида узоқ йиллар илмий-тадқиқот ишлари олиб борган. Ҳозирда Акмал Икромов номидаги Тошкент темирйўл муҳандислари олий илмгоҳида Ўзбекистон тарихи бўйича мударрис.

Унинг ҳарбий, тарихий мавзусидаги мақола, лавҳа, очерклари жумҳурият матбуотида 60-йиллардан кўрина бошлаган. Ҳ. Содиқовнинг илмий-публицистик асарлари жарида, рўзномаларнинг бир неча мукофотига сазовор бўлган. 1991 йилда у Абдулла Авлоний мукофоти билан тақдирланди.

Ҳ. Содиқов «Тошкент ҳақиқати» рўзномаси жамоатчи ҳарбий-ватанпарварлик кенгаши аъзосидир.

3

да мухтор бўладими? Ҳар икки масала делегатларни икки қутбга ажратди. Муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз маърузасида ҳар икки қутбни бирлаштириб мақбул қарорга келтиришга уринди.

Туркистон мустақиллиги ҳақидаги баҳс 1917 йил баҳор — ёз ойларида вақтли матбуотдаги энг муҳим масалалар қаторида турди. Туркистон мадрасаларида ишлаган татар сайёҳи ва публицисти Нуширавон Явушев «Улуғ Туркистон» газетасининг 5 май сонида худди шу масалага оид «Туркистонга автономия олув ҳаққинда» мақоласида Маҳмудхўжа Беҳбудий ғоясига монанд фикр юритади. У Россиядаги мусулмонларни жинсият ва қавмият, тил ва миллат нуқтаи назаридан бир отанинг болалари ва бир дарахтнинг бутоқларига ўхшатади.

— Шул сабабли,— деб ёзади у.,— Туркистонга автономия берилган тақдирда Руссиядаги ҳамма турк миллати туркистонлик қардошларига ёрдамлашувдан нари турмаяжаклар. Ҳеч бир турк боласи Туркистоннинг ўз ватани эканини эсидан чиқармаяжак.

У Туркистон мустақиллик учун тайёр эмас деган фикрларга қарши чиқиб тарихдан мисол келтиради. 1865 йилда бир ҳовуч аскар билан Қашқарда ҳокимиятни қўлга киритган ва ўн йил мобайнида мустақил давлатни идора қилган Қўқон лашкарбошиси Ёқуббек Бадавлат (1865—1876) мисолида ибрат кўради.

— Туркистон халқи,— деб ёзади Нуширавон Явушев,— аввалги замонлардаги каби оқчасиз ва подон эмас. Шарқий Туркистон каби қоронғу бир ерда Ёқуббекдек бир зот каби мустақил бир ҳукумат таъсис этур. Менинг ўзим Туркистонга автономия олувни мумкин ва керак деб ўйлайман.

Муаллим Олимжон Тиркишев эса «Шўро» журналининг 17-сонида «Туркистонлилар ва федерация» мақоласида Туркистон учун федерацияни қабул қилиш масаласи айни шу ҳозирги авлодга қараб эмас, келгуси авлодни ўйлаб ўшалар истиқболи учун зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Тараққийпарвар зиёли Мирмуҳсин Шермуҳаммад «Шўро» журналининг 14-сонида босилган ўзининг «Туркистоннинг усул идораси ҳақинда» мақоласида масалага чуқур ёндашиб автономия шиори остида бирлашган кучларнинг замини бўш эканлигини уқтиради. У Москвада ўтган умуммусулмонлар қурултойида «федератив автономия» қабул қилинганини хусусида ўз фикрини баён этади. Мирмуҳсин ўзбек буржуазияси ва уламоларига ўлка идорасини топшириш хавфли эканини уқтиради.

— Россияда маълум эски ҳукуматнинг истибдоди,— деб ёзади Мирмуҳсин,— умумийла емирилди. Лекин Туркистонда истибдод энди қувватланди... Ҳозирги эзгу маъсуд кунларда, ажабо! «Туркистонда қандай истибдод?» деб эҳтимол кўнглингизга келур. Шунга кўра мен мустабидларни бир қадар кўргазуб ўтаман: булар ўзининг шахсий манфаати учун диний ва миллий ҳуқуқларимизни оёқ остина олиб топтаған, провакатор уламолар ила буржуаз золим бойлардир. Бу мустабидлар Туркистонда ҳозир шу даражада қувватланганки, истибдод отаси штюрмерлар ҳам буларча эмас эди.

Мирмуҳсин бидъатчи, тор фикрли уламолар, ғаразгўй миллий буржуазия ҳокимият тизгинини қўлга олса, хонлар замонини қайтаришни истовчи қора кучлар зўрайишидан хавфсирайди. У ҳамма иш «чирик бош эскилар қўлида» эканлигини айтиб, Туркистон мустақиллиги масаласидаги ўз шубҳасини қуйидагича баён қилади:

— Яхши билингизки, агарда Туркистон ўзинча мустақил идора (этса)... ул вақт Туркистонда маданият, фунун ва маориф емирилур. Чунки «Алҳамдулиллоҳ, энди мусулмонобод бўлди»,— деб иш бошида турувчи «ақлли бошлар» қисқа кийим кийганларни, соч, мийиқ қисқартганларни, янги усулда ўқиғонларни, русча сўйлашма билганларни — «булар кофур, буларнинг жазоси зиндон ё эса ўлим» деб миллатнинг энг суюкли, азиз болаларини қоронғу зиндон ёки дор оғочларинда бирма-бир йўқ қилуб томирни қурутурлари маълум.

Мирмуҳсин Шермуҳаммад «Шўрои ислом» ташкилотига уюшган турли гуруҳлар ўртасидаги зиддиятларни назарда тутган ҳолда бир неча ойдан сўнг бўладиган воқеаларни олдиндан башорат қилгандек эди. «Шўрои ислом»дан унинг консерватив қатлами ажраб чиқиб мустақил «Уламо» жамиятини тузгани ҳам тасодифий эмас эди. Синфий зиддиятлар мусулмонлар ташкилотларида ҳам астасекин ўз кучини кўрсата бошлади.

1917 йил баҳор ва ёз ойларида ўлкада синфий табақаланиш жараёни жадал тус олди. Сиёсий кураш саҳнасида ишчилар ҳаракати тобора етакчи ўринни эгаллай бошлади.

Туркистон шаҳарларида астасекин мусулмон меҳнаткашлари ташкилотлари вужудга кела бошлади. Март ойининг бошларида Самарқанд эски шаҳрида шаҳар ишчиларининг «Мусулмонлар клуби» ташкил топди. Уни халқ «Камбағаллар йиғилиши» деб атади. Клубга ўзбек зиёлилари раҳбарлик қилишди. «Мусулмонлар клуби» 1917 йил майида барча подшоҳ амалдорларини ишдан олиб, чор тузуми аппаратини йўқотиш ва унинг ўрнига янги шаҳардагига ўхшаш 3 кишилик қўмита тузиш талабномаси билан чиқди. («Ҳуррият», 1917 йил, 4 май.). Март ойидаёқ демократик характердаги миллий ишчи ташкилотлари — Мусулмон меҳнаткашлари иттифоқи Скобелев, сўнг Тошкент, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ташкил топа бошлади. Мусулмон меҳнаткашлари иттифоқи ва Мусулмон депутатлари советларида синфий кураш тажрибасини олган ишчилар билан бир қаторда тараққийпарвар ўзбек зиёлилари етакчи роль ўйнади.

1917 йил 1 май намойиши Тошкент шаҳри мусулмонлари ўртасида Ҳуррият, Тенглик, Биродарлик шиорлари кенг қулоч ёйганлигини ёркин исботлади. Эски шаҳар ҳунармандлари, ишчилар, зиёлилар кўчаларга қизил байроқлар кўтариб чиқишди. Улар янги шаҳардан чиққан номойишчилар билан бирга Тошкент Совети жойлашган «Ҳуррият уйи» олдидаги митингга бўлиб, унда руслар қатори ўзбек нотиқлари ҳам сўзга чиқдилар.

Шундан сўнг эски ва янги шаҳар намойишчилари 1916 йилги миллий-озодлик қўзғолонида шаҳид бўлганлар мозори жойлашган эски шаҳарга йўл олди. Ана шу шаҳидлар хотирасига митинг уюштирилди. «Улуғ Туркистон» рўзномаси бу воқеа «мусулмонлар онгида катта из қолдиргани» ҳақида бежиз ёзмаган эди. Худди шу куни рус мустамлакачилари сунъий равишда янги ва эски шаҳарга ажратган Тошкент янгитдан дўстлик асосида бирлашган эди.

1917 йил ёзида собиқ генерал-губернатор А. Н. Куропаткин Вақтли ҳукуматнинг ташқи ишлар вазири Терешченко билан суҳбатида Россия маркази билан Туркистоннинг чамбарчас алоқаси масаласига тўхталиб, шундай деган эди:

— Петроградда нима содир бўлса, ўшанинг бари Тошкентда кўзгудек акс этади.

Бу эътироф тарихий ҳақиқатдан йироқ эмас. Петроград, Москвадаги инқилобий жараён Туркистонда ҳам акс этган, аммо унинг ўзига хос хусусиятлари ҳам бор эди. Мустамлака шароитида иш кўраётган сиёсий фирқалар фаолияти ҳам ўзгача бўлди. Вақтли ҳукуматнинг марказдаги биринчи инқирози Туркистонда май ойи бошларида ўлка советларининг Туркистон қўмитаси билан тўқнашувида ўз аксини топди. Қўмита раиси Шчепкин Советлар билан келишмай, вилоят комиссари лавозимига собиқ подшо амалдори Тризна ва Ивановни тайинлагани омманинг газабини қўзғатди. Тошкент Совети ва Ўлка Совети Шчепкинни вазифасидан бўшатиш ҳақида резолюция қабул қилди. Туркистондаги буржуазия ҳокимиятининг инқирози Шчепкин ва унинг сафдошларини вазифаларидан бўшатилиши билан якунланди.

Туркистон Советлари ўлкадаги нуфузли ва таъсирчан куч бўлиб, уларнинг ортида кўпчилик омма, энг муҳими армия

4

турар эди. Мустамлака сиёсати ва жаҳон уруши туфайли вайрон бўлган ўлка хўжалиги чуқур иқтисодий таназзулга юз тутган, чайқовчилик, қимматчилик, тақчиллик кучайиб, очарчилик бошланган 1917 йил ёз ойида тарих Советлар олдига бир муҳим масалани кўндаланг қўйди. Капитал билан синфий ҳамкорлик қилиш керакми ёки капиталга қарши синфий кураш? Масаланинг пўсткалласи ана шунга бориб қадалар эди.

Советлар таркибидаги турли синфий кучлар, сиёсий фирқалар худди шу масалада ягона фикрга келиша олмади. Вақт эса кутиб турмас эди. Ҳаддан ошиб бораётган қимматчилик, кундалик харид молларнинг танқислиги ва чайқовчиликнинг кучайиши омманинг газабини мавжуд ҳокимиятга қарши қарата бошлади.

Қуруқ гап, озодлик, демократия ҳақидаги сафсатабозликдан амалий ишга ўтиш, иқтисодни йўлга солиш бўйича тезкор чоралар кўриш фурсати етган эди. Худди шу фурсат ҳар бир сиёсий фирқадан ҳаракатни, тадбиркор дастурни талаб қилар эди. Эсерлар, меньшевиклар, кадетлар, «Шўрои ислом» халқни «Таъсис мажлиси»ни кутишга чақирди. Худди шу аннжуман барча масалаларни ҳал қилади дея сабр-тоқатга ундади. Бундай гап турмуш оғирлашиб бораётган меҳнат аҳлини қониқтирмас эди. Солдатлар эса урушни «галабагача давом эттиришга» чорлаётган эсер-меньшевиклар маърузаларидан ғазабланар эдилар. Худди ана шу шароитда большевиклар шиори содда ва оммабоп эди. Ер — деҳқонларга, фабрика-заводлар — ишчиларга, аскарларга эса — тинчлик. Озиқ-овқат тақсимоти устидан назорат ўрнатиш, кундалик харид молларига қатъий нарх белгилаш, бойлар ихтиёридаги дон, озиқ овқат запасларини мусодара қилиш. Оммага мақбул бундай ҳаракат дастури большевиклар обрўсини кўтариб, уларнинг мавқеини мустаҳкамлади. Бу вақтда большевиклар янги куч — сафарбарликдан қайтган минглаб мардикорлар сафида ўзларига таянч топдилар. Россия ички карисидан оқ-қорани таниб, сиёсий жиҳатдан анча ўсган мардикорлар учун большевиклар программаси айни муддао эди. Мусулмон зиёлиларига эса уларнинг миллий масаладаги ваъдалари — Туркистон мустақиллиги ўз ҳуқуқини ўзи белгилаши манзур бўлмай иложи йўқ эди. Мардикорлар, қурувчи ишчилар, ҳунармандлар орасида ҳам уларнинг тарафдорлари кўпая бошлади.

ЎЗБЕК БОЛЬШЕВИКЛАРИ

Тошкентдаги социал-демократик ташкилотдаги большевиклар группасида Анвар Абдусаматов, Тешабой Абдураҳмонов, Очил Бобожонов, Жалол Камолов, Мирзааҳмад Мирҳодиев, Собир Юсупов каби ишчилар ўзбеклардан чиққан дастлабки большевиклар бўлиб, уларнинг сафига янги-янги ўзбек ишчи-зиёлилари ҳам қўшила бошлади. Наманганда Абдураззоқ Ҳакимбоев, Самарқандда Шамсиддин Иброҳимов, Қўқонда Орифжон Мирпўлатов, Хўжандда Жўра Зокиров, Абдуқодир Раҳимбоев, Раҳимберди Эгамбердиев большевистик гуруҳ сафида эди. Ёз ва куз ойларида уларнинг сафига Дўст Устабоев, Абдушукур Абдурашидов, Нурмат Холмуҳамедов, Зайнутдин Илёсов, Олим Раҳимов, Ғани Тўраев ва бошқа ўзбек ишчилари қўшилди. Бу биринчи ўзбек большевиклари сафида биринчи рус инқилоби, 1916 йилги миллий-озодлик қўзғолони тарбиялаб етиштирган Очил Бобожонов, Мирзааҳмад Мирҳодиев, Дўст Устабоев, Султонхўжа ва Акбархўжа Қосимхўжаевлар, Низомитдин Хўжаев, Собир Юсупов каби ишчи-зиёлилар етакчи эдилар. Улар касаба уюшмалар ташкил этишда ҳам фаоллик кўрсатишди. Мусулмонлар касаба уюшма ташкилотчилари сафида Шариф Каримов, Иброҳим Исмоилов, Абдувоҳоб Абдукаримов, Фозилжон Валидбоев, Абдураҳмон Абдусандов, Мирбобо Икромов ҳам бор эди. Мусулмон касаба уюшмалари Советига ишчидан чиққан зиёли, Бухоро мадрасасини битирган Султонхўжа Қосимхўжаев раис бўлган. Касаба уюшма раҳбарларидан бири қурувчи ишчи Жалол Камолов ўз хотираларида шундай қизиқ мисол келтирадики, бу ўзбек большевикларининг 1917 йилдаги фаолиятини ёритишда муҳим манбадир:

— Ўзбек бинокор ишчилари билан социал-демократик ташкилот аъзолари ўртасида алоқа ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш соҳасида Мирзааҳмад Мирҳодиев катта роль ўйнаганини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Бинокор ишчилардан Очил Бобожонов ва бошқалар ҳам социал-демократик ташкилот билан яқиндан алоқа боғлаб, йўл-йўриқлар олиб туришди. Вош темир йўл устахоналаридаги рус ишчилари биз билан жуда мустаҳкам алоқада эди. Мажлис ёки бошқа бирор йиғилиш ўтказиш мўлжалланса, устахона ишчилари бизни М. Мирҳодиев орқали огоҳлантиришар эди. М. Мирҳодиев мажлис қаерда ва қайси вақтда бўлишини айтгач, О. Бобожонов, уста Баҳром Нормуҳамедов, Хонхўжа Улуғхўжаев, Акбархўжа Қосимхўжаев ва бошқалар билан бирга бош устахонага келар эдик.

(Давоми бор).

• *Ёднома*

УМРЛАР БЎЛАДИКИ...

УЛУҒ сўз санъаткорларининг қадру қиммати, умрбоқийлиги, бадиий маҳоратдаги устозлик даражасини ўлчайдиган энг ҳаққоний ва адолатли андоза замон ва китобхон ҳисобланади. Бундай сермашаққат синовдан ўтолган сиймолар сирасида Мақсуд Маъсумбек ўғли Шайхзоданинг қутлуғ номини фахр, меҳр ва эъзоз билан хотирлаймиз. Бу табаррук ва улуғвор зоти шарифнинг орамиздан кетганига ҳам 25 йил бўлибди. Зотан, Мақсуд Шайхзода деганда замонавий ўзбек адабиётининг отахонларидан бири, улкан шоир, баркамол драматург, устоз муаллим, етук олим, оташнафас мақоланавис, моҳир таржимон, илм ва бадиятда ёшларга ғамхўр раҳнамо, ўзининг бутун ҳаёти ва ижоди билан халқимиз орасида машҳур ва манзур бўлмиш улуғвор, аммо бағоят камтарин ва самимий инсон сиймоси тасаввуримизда жонланади.

Мавлоно Мақсуд оға бадиий ижоднинг барча соҳаларида, хусусан, драматургияда шоҳ асарлар яратиб қолдирди. Унинг қутлуғ қаламидан бунёд бўлган «Жалолиддин Мангуберди» ва «Мирзо Улуғбек» ўз замонидаги театр санъатида катта ҳодиса бўлди. Томошабин ва ўқувчи юрагига йўл топди.

«Жалолиддин Мангуберди» — мавлононинг илк драматик асари бўлишига қарамай, ҳар жиҳатдан етук мужассам асар сифатида дунё юзини кўрди. Мазкур тарихий фожиа халқлар тарихида бағоят даҳшатли ва қонли жангу жадалнинг энг олағувур бир палласида — 1944 йилда яратилди. Драма кечмишда чет эл босқинчиларига қарши халқимиз олиб борган мардонавор курашнинг ёркин саҳифаларидан бирини бадиий саҳна асари воситасида даврнинг жанговар вазифаларига ҳамоҳанг идрок этиш борасида катта маънавий-тарбиявий аҳамият касб этди. Драмада XIII асрнинг биринчи чорагида Турон ерларига ёвузларча бостириб кирган Чингизхонга қарши мустақиллик учун олиб борилган курашнинг энг даҳшатли, серташвиш ва серможаро даври акс эттирилган. Асар асосан 1217—1224 йиллар орасида бўлиб ўтган тарихий воқеаларни ўз ичига олади.



Мазкур драма 1945 йилнинг январида Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик театрида саҳналаштирилди. Дарвоқе, «Жалолиддин Мангуберди»нинг мусиқий нусхаси ҳам битилгани менга маълум эди. Бу мусиқий нусха Усмон Юсуповнинг тавсияси ва қистови билан комедия театри учун махсус битилганига ҳам шоҳидман. Лекин бу асар саҳна юзини кўрмай қўлёзмалигича қолиб кетди. Чунки адабиётимизнинг кўпгина баркамол бадиий асарлари каби «Жалолиддин Мангуберди» ҳам машъум қатағонбозликнинг ҳар вақт «ҳушёр», ҳар қандай қора ишга ҳозиру нозир турган найзадорларининг заҳарли тиғига дучор бўлди. Асарнинг дастлабки муҳокамаси чоғидаёқ ғимирсилаб қолган танқидчи-найзабозлар унга қарши, демак, унинг муаллифига ҳам беомон ҳамлага киришиб кетишди. Оқибатда 1947 йилнинг аввалидаёқ «Жалолиддин Мангуберди» саҳнадан олиниб, унга жаноза ўқилди. Охир натижада 1952 йилда Мақсуд Шайхзодани қамоққа ташлаш билан кўнгиллари таскин топди.

Ўша 1952 йилнинг сентябрь ойида домлани қамоққа олиш жараёнида ўтказилган тинтувда унинг бошқа қўлёзмалари қатори «Жалолиддин Мангуберди»нинг ҳар икки асл нусхаси ҳам мусодара қилинди. Айбномада эса мазкур асар муаллифнинг асосий гуноҳ-жиноятларидан бири сифатида талқин қилинди. Ҳали туғилиб улгурмаган мусиқий нусха ҳам қолиб кетди. Домла Шайхзода озодликка чиққач, «Жалолиддин Мангуберди» асарларининг асл нусхалари ДХҚ архивида йўқолганлигини эшитиб, қаттиқ изтиробга тушди. Оқибатда ўз асарларини тириклигида кўролмай дунёдан кўз юмди. Тангри таолога минг қатла шукрки, кеч бўлса ҳам бу асарга омон-омон замонни кўриш насиб этди. Устоз таваллудининг 80 йиллиги арафасида «Жалолиддин Мангуберди»нинг ҳам драматик, ҳам мусиқавий асл қаламий нусхаларини топишга муяссар бўлдик.

Мақсуд Шайхзоданинг 1988 йилда Тошкентда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Дунё боқий» тўёна сайланма асарлар китобида «Жалолиддин Мангуберди»нинг драматик нусхаси илк бор дунё юзини кўрди ва китобхонлар томонидан қизғин қарши олинди.

Унинг мусиқий қаламий дастхат нусхаси эса Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти илмий ходимлари марҳум Сафо Зуфарий ва Темур Тўрабоевларнинг машаққатли меҳнатлари туфайли ҳозирги ёзувга кўчирилди.

Бу ўринда ҳар иккала нусханинг бир-биридан асосий тафовути нималардан иборат, деган савол туғилиши, табиий. Агар «Жалолиддин Мангуберди»нинг илк нусҳаси драматик жанр талаблари асосида битилган бўлса, мусиқий нусхада муаллиф мусиқий драма театрининг талаб-эҳтиёжлари нуқтаи назардан келиб чиқиб, аср матнига қатор жиддий ўзгартишлар киритган. Чунончи, пьесага «Дебоча» ва «Хотима» битилган. Шунингдек саҳна асарининг етакчи персонажлари — Жалолиддин, Султонбегим, Темур Малик, Чингизхон, Элборс паҳлавон, девона чол кабилар тилидан 20 га яқин ария-хониш матнларини киритган. Бундан ташқари, бир неча халқ йўлида қизлар йлласи, бозор аҳли йлласи, сипоҳийлар йлласи ҳам ўрин олган. Шуниси диққатга сазоворки, бу хониш ва йллалар мазмунан асар қаҳрамонларининг маънавий қиёфаси, руҳий ҳолати, ижтимоий мавқеи ва шахсий феъл-атворини яққол ифодалайди. Уларда инсон ва замин руҳи манаман деб аён англашилади.

«Жалолиддин Мангуберди»нинг мусиқий нусхаси ҳам ҳеч ерда чоп этилмади. Насиб бўлса эндиликда устознинг мукаммал асарлар тўпламига киритиш ниятидамиз. Ажабмас, унгача бирон-бир ойномада ҳам чоп этилиб қолар. Ҳозирча мазкур асардан баъзи бир парчаларни муҳтарам муштарийлар эътиборига тақдим қилишни лозим топдик.

Муҳсин ЗОКИРОВ,
Мақсуд Шайхзода адабий меросини ўрганиш ва нашр этиш комиссиясининг масъул котиби.

ЖАЛОЛИДДИН ХОНИШИ

Кун ўтар, тун ҳам ўтар,
майдонда сардор ухламас,
Кўкда юлдузлар ётар,
майдонда сардор ухламас.
Соялар қушлар била ғофил
дарахтларда ётар,
Чун Жалолиддин кутар,
майдонда сардор ухламас.
Ухламас сардор ғанимлар
турсангиз пистирмада,
Ухламоқ ёвдан батар,
майдонда сардор ухламас.
Майли, Тошканда у дилором
ҳузурла ухласин,
Оти бедору ётар,
майдонда сардор ухламас.
Сувда, ғафлатда балиқлар,
қайиқлар йўл ўтар,
Тингла, дарёда хатар,
майдонда сардор ухламас.

СУЛТОНБЕГИМ ХОНИШИ

Ичгали Хоразм элидин бир
қадаҳда бода мен,
Бу диёр соқийсиға
Ширни кабн афтодамен.
Ерга бор ишқим, оғамга
шундайин меҳрим ёнар,
Топсам эрдим иккисин
бир шаҳрда дунёда мен.
Ахсанат бу мамлакатга
чун табаррук хонудир,
Бир каниздек ўргулай
гарчи ўзим шаҳзодамен.
Қай бири афзал экан,
мен ожиза ҳал қилманн,
Ишқ савдо бирли мен юрт комиди
овороман.
Эй, азиз тупроқ, сени
қучмоқ яна бўлғай насиб,
Кошки, қабрим сенда бўлса
бахтиёр, озодамен.



Пойтахтдаги «Юбилей» спорт саройида собиқ Иттифоқ миқёсидаги ярмарка савдоларни ташкил қилинди. Унда жумҳуриятимизнинг мева-сабзавотчилик саноат бирлашмалари, концернлар, хўжалик ҳисобидаги савдо тайёрлов корхоналарининг вакиллари ўз маҳсулотлари билан қатнашяптилар. Бу ерга ташриф буюрган меҳмонлар эса ана шу маҳсулотларни айирбошлаш учун ўзлари билан Ўзбекистонга зарур бўлган молларни — саноат маҳсулотлари, қурилиш материалларини келтиришган. Кўпгина томонлар бир-бирларининг маҳсулотларидан қониқиб, ўзаро келишиб олишди. Ҳамкорлик асосида шартномалар тузилди. Ана шундай шартномалар тузган бир неча ташкилот вакиллари биз билан суҳбатда бўлиб, ярмарка таас суротлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Мелис ХЎЖАЕВ,
Тошкент вилоят мева-сабзавотчилик саноати бирлашмаси раисининг тайёрлов ва жўнатиш ишлари бўйича муовини:

— Ярмаркага олиб келган 44 минг тонна сабзавот, 5 минг тонна олма, 6 минг тонна қовун-тарвуз, 5 минг тонна узумни айирбошлаш ишларини бошлаб юбордик. Маҳсулотларимизнинг бозори чақкон чиқиб қолди. Ҳозиргача 10 дан ортиқ шаҳарлар билан шартномалар тузишга улгурдик. Бу шартномалар тубида 18 минг 600 куб метр ёғоч, 80 тонна полиэтилен плёнка, 10 минг тонна уруғлик, 10 минг тонна истеъмол картошка, 350 тонна турли ўлчамдаги қувурлар, 360 тонна металл, 3 та трактор, 12 та юк машинаси, 100 тонна чой, 2 минг тонна бензин, дизель ёқилғиси ётибди. Ишимизнинг боришидан хурсандмиз.

Татьяна КОРЖ,
Приморье ўлкаси, Спасск-Дальнинд шаҳри савдо бўлими бошлиғи:

— Тошкентда биринчи марта бўлишим. Бундай ярмаркалар аввал Москвада ўтказиларди. Лекин у ерда биз Тошкентда яратилганидек шарт-шароитларга эга бўлмасдик. Тошкентликларнинг меҳмондўстлигидан жуда миннатдорман.

Биз консерва маҳсулотлари, мева-сабзавотлар эвазига, цемент, шифер, қурилиш материалларини тавсия қилаяпмиз. Ҳозирча шу асосда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари билан шартнома туздик. Утган йили ҳам ўзбекистонликлар билан бундай айирбошлаш битимлари тузган эдик. Наманган вилоятидаги Янгиқўрғон агросаноат комбинати, Самарқанд вилоят матлубот жамияти ўз ваъдаларининг устидан чиқмадилар. Шартларни бажармаганликлари учун биз бу йил улар билан шартнома тузишни лозим кўрмадик.

Нафиса ТОШПУЛАТОВА,
масъулиятн чекланган «Она» жамиятининг Бош директори

— Бугун ўтказилаётган ярмарка савдоси биз учун анча фойдали ишларни амалга ошириш имконини яратади. Ҳозир бизда таҳчил бўлган саноат маҳсулотларини ўзимиз келтирган консерваланган ўрик, маймунжон, қулупнай, лимон маҳсулотлари, шифобахш асал, тузланган помидор ва бодринглар,шунингдек, турли шароб ва шарбатларга айирбошлаш ниятимиз бор. Ҳозирча Иркутск вилояти, Киренск, Хабаровск шаҳарлари билан ёғоч-тахта, қурилиш материаллари, цемент, темир қувурлар учун шартномалар туздик. Ярмарка шартномалари ҳар иккала томонга ўз самарасини беришига имоним комил.

Ярмарка савдолари 21 февралгача давом этади. Фойдаси катта бўлган шартномалар ҳали яна тузилади. Биз бу борада томонларга омад ва уддабуронлик тилаймиз.

Даврон АҲМАД.

Суратларда: ярмаркадан лавҳалар.

Муаллиф суратлари.

СИЗДАН УГИНА, БИЗДАН БУГИНА





ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАСИДА

Вилоят прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 январдаги купонли карточкалар бўйича товарлар сотиш ва уни муомалага чиқариш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик Низомнинг бажарилиши юзасидан мунтазам равишда текшириш ишлари олиб бормоқда. Ҳудди шунингдек, вилоят ҳудудида жойлашган шаҳар ва район банклари бўлимларида хўжалик, ташкилот, корхона раҳбарлари билан 8—9 январь кунлари купонларни олиш, сақлаш, инкассация қилиш ва муомалага чиқариш тартиби тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилган. Вилоят банки томонидан купонларнинг керакли миқдори ҳисобланиб, 4633 ташкилот, корхона, хўжалик, кооператив ва бошқа идораларга 470 миллион сўмлик купонли карточкалар тарқатилган.

КУПОНЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ТАРҚАТИЛСИН

Вилоят прокуратураси Қибрай, Қорасув, Янгийўл районлари ва Янгийўл шаҳридаги айрим корхона, ташкилот, хўжаликларда текшириш ўтказди. Текширишда Қибрайдаги Тошкент кооператив техникуми кассасида 53 мингдан зиёд купонли карточкалар тарқатилмай қолганлиги аниқланди. Маълум бўлишича, вилоятдан ташқарида бўлган 14 та гуруҳнинг 250 аъзосига мўлжалланган купонлар Қибрай давлат банкасидан ҳисобланиб олинган бўлса-да, тарқатилмаган. Техникум директори вазифасини бажарувчи А. Маннопов ва бош ҳисобчи Р. Смановалар талабаларга ушбу купонларни юбориш юзасидан тегишли чоратадбирлар кўрмаганлар, ўзларининг юқори ташкилотларига ҳам бу ҳақда маълумот беришмаган. А. Маннопов ва Р. Смановларни интизомий жавобгарликка тортиш бўйича вилоят прокуратураси қарори чиқарилди, купонларни талабаларга тезликда тарқатиш учун ёзма равишда мажбурий кўрсатма берилди.

Шуниндек соғлиқни сақлаш, маданият, халқ таълими ва бошқа соҳаларда купонлар эски тартибда, яъни фуқаролар маошлари икки баравар оширилганлигини ҳисобга олинмасдан тарқатилган.

Вилоят прокуратураси купонли карточкаларнинг тўғри тарқатилишн юзасидан текшириш ишларини давом эттирмоқда.

СУҲБАТЛАРИ МАРОҚЛИ

Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган «Октябрь X йиллиги» дам олиш санаторийсига жумҳуриятимизнинг турли вилоятларидан келганлар кўп. Булар орасида Фарғонанинг Бешариқ ноҳиясидан ва Нукус шаҳридан ташриф буюрган Алижон Марасулов, Жаббор Мадкаримовлар ҳам бор. Яқинда улар билан суҳбатда бўлиб қолдим. Бу оромгоҳда яратилган қулайликлардан дам олувчилар мамнун бўлганлигимиздан қўлимизга қалам олдик.

Яқинда бу ердаги клубда ажойиб доришунос, ўсимликлардан дориворлар тайёрлаб, беморлар саломатлигини мустаҳкамлаётган мутахассис Нўъмон Аъзамов билан мулоқот ўтказилди.

Шифобахш ўсимликлардан тайёрланган шарбатлардан истеъмол қилиб танамиз яйради. Очиғи, бу ширинсухан, билимдон инсоннинг маҳоратига қойил қолдик. Унинг умрига барака тилаб дуо қилдик.

Санаторий ходимлари бизларни бундай кишилар билан учраштиришдан ташқари Тошкентнинг эътиборга сазовор жойларига, театрларга, Чирчиқ шаҳридаги улкан ишлаб чиқариш корхоналарига ҳам саёҳатга олиб бордилар.

А. МАҚСУМОВ.

• ЭЪЛОН • • ЭЪЛОН •

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ЯШОВЧИ АБИТУРИЕНТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Пойтахтдаги Тошкент давлат дорилфунуни, Тошкент Давлат муаллимлар олий билимгоҳи, Автомобиль йўллари олий билимгоҳи, Техника дорилфунуни, Иқтисод дорилфунуни, Молия олий билимгоҳи, 1—2-Табобат олий билимгоҳлари, Табобат педиатрия олий билимгоҳи, Фармацевтика олий билимгоҳи, Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари олий билимгоҳи, Тошкент Давлат деҳқончилик дорилфунуни, Ҳуқуқшунослик олий билимгоҳи, Шарқшунослик олий билимгоҳи каби олий ўқув юртларига кирувчи абитуриентларни икки-уч танловли имтиҳон дастурлари бўйича ихтисослаштирилган

ЯКШАНБАЛИК ТАЙЁРЛОВ ДАРСЛАРИ ТУРКУМИНИ ТАШКИЛ ЭТДИ

Тайёрлов дарслари асосан якшанба кунлари, кундузги пайтларда ўтказилади. Манзилгоҳимиз ҳам қулай жойда жойлашган. Бу эса Тошкент шаҳридаги ва айниқса, Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи абитуриентлар учун сўзсиз катта қулайликдир.

Машғулотларни деярли барча фанлар бўйича Тошкент олий билимгоҳларининг абитуриентларни олий ўқув юртларига тайёрлашда бой тажрибага эга бўлган юқори малакали ўқитувчилар: фан номзодлари, доцентлар олиб боришади.

«Сигнал» фирмаси жамоаси тайёргарликнинг «сифати» ва «натижаси» учун моддий ва маънавий жавобгарликни ўз зиммасига олади, яъни бу жамоа ўз абитуриентларининг танловли кириш имтиҳонларини асосан «яхши» ва «аъло» баҳоларга топшириб, пировард натижада ўзлари танлаган олий ўқув юртларига кириб кетишлари учун қўлидан келган ҳамма ҳаракатларини қилади. Қўшимча равишда, айниқса, юқори қобилиятли ёки юқори баҳолар билан биздаги тайёргарликни ўтайдиган абитуриентларга, уларни тегишли олий ўқув юртларига қабул қилинишларининг кафолатини берувчи шартномаларни ҳам берамиз.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

«Қабул қилиш ва тайёрлаш» манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 105-уй, 1-қават. Тошкент Совет савдо техникумининг ўқув биносида жойлашган. (7, 24, 28-трамвайларнинг «Қон қуйиш институти» бекати).

«Самарқанд» автостанциясидан бир бекат фарқ қилади. Қабул вақти ҳар куни соат 9 дан 18 гача. Дам олиш куни — душанба.

ФИРМАМИЗГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ, АЗИЗ ДЎСТЛАР!

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҲАҚИҚАТИ

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: шўролар ҳаёти — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325847; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749, 337010; ижтимоий масалалар — 325645; маданият — 325767; адабиёт ва санъат; миллий қадриятлар — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 325556, 339915; хатлар ва оммавий ишлар — 325354, 334048; тижорат бўлими — 325733; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 325354, 334048; эълонлар — 325666.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: 14 Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.15. 30579 нусха босилди.